

ИШОНСН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн олти йиллигини муносиб кутиб олиш, бу қутлуғ сана муносабати билан мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқ ва натижаларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига бебаҳо неъмат бўлмиш мустақилликнинг бекиёс аҳамияти, она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада чуқурроқ сингдириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси "Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини 20 кун муддатда ишлаб чиқсин.

3. Мустақиллик байрамига бағишланган тадбирлар ва тантанали маросимларни кўтаринки руҳ ва кайфиятда, ташкилий, ғоявий-бадий жиҳатдан юксак савияда, аҳолининг барча қатламлари, кенг жамоатчилик иштирокида ўтказиш учун "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар кўмитаси, "Нуруний" ва "Маҳалла" жамғармаларига алоҳида тадбирлар режасини тайёрлаш ва амалга ошириш тавсия этилсин.

Ушбу тадбирлар режасида қуйидаги масалаларга эътибор қаратилсин:

истиклолнинг ёш авлод тақдирида, уларнинг замонавий дунёқараши, билим ва тафаккури, фаол гражданлик позициясини шакллантириш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашдаги бекиёс ўрни ва аҳамиятини, йигит-қизларимизнинг ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида, Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини кўз қорачигидек асраш борасида эришаётган ютуқларини аниқ ҳаётий мисоллар орқали кўрсатиш ва кенг тарғиб этиш;

хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, эл-юрт таянчи бўлмиш оила институтини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, унинг фаровонлигини ошириш бўйича, жумладан, "Ижтимоий ҳимоя йили" дастури доирасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларини акс эттириш;

мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, юртимиз шухратини дунёга тараннум этиш, ёшларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялашда ўз шахсий ибрати ва ҳаётий тажрибаси билан намуна кўрсатаётган, эл-юртга хизмати сингган кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, фахрийларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш, улар иштирокида турли суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар уюштириш;


истиклолимиз билан боғлиқ эзгу тушунчаларни янада чуқурроқ англаш, унинг қандай қураш ва машаққатлар, фидокорона меҳнат ва қатъият эвазига қўлга киритилгани, кенг қўламли ислохотларимиз моҳият эътибори билан инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганини таъсирчан усул-усуллар орқали ёритиш, миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсоннинг жамиятимиздаги туб ўзгаришлардаги иштироки, ҳаётга онгли муносабати, дахлдорлик туйғуси ва масъулият ҳисси, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик фазилатлари тобора кучайиб бораётганини, бу эса барча ютуқларимизнинг, бугунги ва эртанги тараққиётимизнинг асосий шартини ва гарови бўлиб хизмат қилаётганини ҳар томонлама чуқур очиб бериш.

4. Республика комиссияси ўз йиғилишларида марказда ва жойларда амалга оширилаётган тадбирлар режасини бажариш бўйича ҳисоботларни мунтазам равишда эшитиб борсин.

5. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шoirлар, композитор ва балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш санъаткорлар, фольклор санъати вакиллари билан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

6. Байрам муносабати билан шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, кўпқаватли уйлар атрофида кенг қўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилсин.

(Давоми 2-бетда).



Икром ХАСАНОВ олган сурат

Журналнинг янги сони

ИНСОН САОДАТИ биринчи галдаги вазифа

Касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза қилиш, уларга хавфсиз меҳнат шaroити яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлари ила эъзозга лойиқдир. Касаба уюшмаси фаолларининг «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг янги сонида эълон қилинган мақолалари шу каби элпарварлик гоаялари билан тўйинган.

Журнал саҳифаларида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Дилбар Жаҳонгировнинг «Касаба уюшмалари Ижтимоий ҳимоя йилида» мақоласи салмоқли ўрин эгаллаган.

«Касаба уюшмаларининг «Ижтимоий

ҳимоя йили» Давлат дастури билан боғлиқ тадбирлари доираси кенг ва ранг-барангдир. Уларнинг бир қисми «Сен ёлғиз эмассан» шиори остида фахрийлар ва пенсионерлар турмушининг мазмунли ва соғлом бўлиши учун зарур шарoит яратишга йўналтирилган». Шунинг ўзиёқ бу жамоат ташкилотининг нақадар савобли ишга қўл урганлигини англатади.

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг раиси Қутлимурод Собировнинг «Қадр топаётган меҳнат» мақоласида касаба уюшмалари меҳнат жамоасидаги энг оммавий ташкилот сифатида ижтимоий шерикчилик-

нинг устувор мақсад ва вазифалари юзасидан амалга ошираётган, ходимларнинг меҳнатга оид ва бошқа ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилаётган, шу билан бирга, бозор талаблари ва рақобатга мослашган ишлаб чиқаришнинг бир меъёрда ишлаш йўлларини топишда иш берувчига ёрдам қилинаётганлиги, темирйўлчиларнинг меҳнат ҳуқуқлари қандай ҳимоя қилинаётганлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Ўзбекистон автомобиль, дарё, электр транспорти ва йўл ҳўжалиги ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Алишер Мадалимовнинг «Меҳнаткашлар манфаатлари ҳимоясида» мақоласида ёзилишича, мазкур тармоқ ходимлари касаба уюшмалари юртимизда юз бераётган ўзгаришлар ва ислохотларни кенг халқ оmmasига етказиш, миллий истиқлол гоаяларини тарғиб этиш, маънавий-маърифий тарбия моҳиятини чуқур сингдириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Шунингдек, журналда демократлаштириш ва инсон ҳуқуқларига доир қатор мақолалар эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎзбекистон Республикаси давлат
мустақиллигининг ўн олти йиллик
байрамига тайёргарлик кўриш ва
уни ўтказиш тўғрисида

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда Ватанимиз истиқлолини тараннум этадиган энг яхши кўшиқ ва мусикий асарлар учун республика танловини ўтказиш мақсадида унинг низомини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустиқиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустиқиллигига бағишланган "Энг улуг ва энг азиз" аънавий танловининг якуний босқичини ўтказсин.

9. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва Бастакорлар уюшмаси ёш ижрочилар ўртасида "Ниҳол" мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қўлланади.

11. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустиқиллиқнинг ўн олти йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 30 май

Қалқонларинг бор, Ватан!

Бурч

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги махсус авария тиклаш бошқармаси ҳарбий қисмида армия сафига олинган 84 нафар ёш йигит Ватан олдидаги бурчини сидқидилдан адо этишга киришиш учун тантанали қасамёд қилди.

Ушбу ҳарбий қисм қарийб ярим аср илгари «Ҳарбий қурилиш отряди» номи билан ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда ҳукуматимиз алоқа линияларини тиклашга кўмак бермоқда.

Бу ерга Андижон, Фарғона, Бухоро, Самарқанд вилоятларидан Мудофаа вазирлиги кўрсатмасига асосан ёшлар ҳарбий хизматга қақрилади. Аскарлар хизмат даврида алоқа мутахассислиги бўйича ўқийди. Жумладан, профессор-ўқитувчилар уларни ҳафтада 4 соат физика, математика фанлари бўйича олий ўқув юрталарига кириш учун тест синовларига тайёрлашади.

Ҳар ойнинг охириги чоршанбаси «Маънавият куни» деб белгиланган.

Тадбирга келган ота-оналар аскарлар ошхонаси, ётоқхона, дам олиш хонаси, ўқув зали, кутубхонани кўздан кечириш экан, буларнинг барчаси истиқлол шарофати, қолаверса, давлатимиз томонидан кўрсатиладиган ғамхўрлик туфайли юз кўрсатганлигини қайта-қайта таъкидлашди.

— Уч йил она юртдан олисда хизмат қилганман, — дейди Самарқанд шаҳридан келган Ортиқ Ниёзулов. — Ўғлим аскарлик бурчини бошлаганига эндигина бир ой ўтиб-ўтмай, қариндошларимиз билан унинг ҳарбий қасамёд қилишини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Ҳамма мени табрикляпти. Ахир ота-она учун ўз фарзандининг камолини кўришдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Ўғлим қасамёдининг охирида «Мен Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан», деганда, ҳаяжондан ўзимни тутиб туролмадим.

Ш. АБДУСАМАДОВ

Бедор ўй

Сирли нарса ҳар доим одамни ўзига ториб келган. Бир кутининг устига «Тегма, ҳаёт учун хавфли» деб ёзиб қўйсангиз, унинг ичида нима борлигига кизикувчилар кўпаяди ва албатта, очиб кўришга ҳаракат қилади.

Ўсмирлик давримизнинг асосий қисми пахтазорда ўтган. Эрта баҳордан кеч кузгача далада бўлардик. Кечагидек эсимда, дала шийпони ёнидаги симёғочга катта радиокарнай ўрнатилган бўлиб, туну кун мусиқа янграрди. Биз ёшлар ана шу карнай орқали маълум бир вақтда бериб бориладиган ахборот эшиттиришларидан бебаҳра қолмаслик учун даланинг шийпонга яқин бўлган жойларида ишлашга интилардик. Бутун қишлоқ аҳлининг, биз каби ёшларнинг бор-йўқ ахборот манбаи ана шу радиокарнай эди.


Булар узоқ ўтмиш эмас, атиги йигирма йилнинг нари-берисидаги гаплар. Бир эсланг, телевизорда атиги 2-3 та телеканал бор эди, холос.

Бугун-чи?! Бугун тамоман бошқа манзара. Биргина Наманган вилоятининг ўзида 50 га яқин матбуот нашрлари чоп этилмоқда. Вилоят ва нодавлат телевидениелари билан бирга FM радиоси, бир қанча кабель

хабардор бўлар экан. Беш-олти ёшидан эса ўз фикрига, тушунчасига эга бўла бошлайди. Бироқ бизга бериладиган ана шу буюк инъом — онгдан тўғри фойдаланиб, ҳар доим ҳам оқни қорадан ажрата билмаслик, бефарқлик, эътиборсизлик, янаям очикроғи, онгни ишлатмаслик касали пайдо бўлаётгандай, гўё. Бу эса ахборотни қўлига қурол қилиб олганлар учун айни муддао

дўқонда энг кўп талаб этиладигани ҳам, кўчакўйда, бозорларда, жамоат жойларида кўлма-кўл сотилаётгани ҳам айни шундай нашрлардир. Боиси, уларда одамларни ўзига тортадиган воқеа-ҳодисалар ҳақида кўп ёзилади. Баъзида уйдирма(!)-лардан иборат бу ахборотларни ўқиганлар хайратланишади, гоҳида ваҳимага тушишади. Энг ёмони, бундай воқеалар уларнинг онгига оdatий ҳолдек сингиб боради. Бугун «фалон газетадаги писмадон мақола ана шундай»,

дея даъво қилмоқчи эмасмиз. Лекин аҳвол шу тарзда давом этаверса, охири оқибат аниқ номларни, мисолларни келтириб ўтиш ҳам зарур бўлиб қоладиганга ўхшайди.

Калаванинг
иккинчи учу

телестудиялари фаолият кўрсатмоқда.

Ахборот етказиш бўйича бугун ҳатто газета, радио, телевидение ҳам ортда қола бошлади. Сабаби, улар ўрнини интернет, уяли телефон деганлари забт этмоқда. Бундай тараққиётнинг ютуқлари билан бирга ўзига яраша муаммолари ҳам бор. Улар орасида энг ташвишлиси — ахборот хуружидир. Хўш, ахборот хуружи ўзи нима? Менимча, унга бир сўз билан ҳукмронлик учун курашнинг замонавий қуроли, деб баҳо бериш мумкин. Бошқача айтганда, маълум бир мақсад, гоёни кўзлаб ёлғон-яшиқ, асоссиз, бўлар-бўлмас ахборотларни тарқатиш орқали кимнидир ёки кимларнидир ўзига тобе қилиш.

Бир инсонни ҳар доим ёмонлайверсангиз, у ҳақдаги ҳар қандай маълумотни тўплаб, тарқатаверсангиз, охир-оқибат у, албатта, ёмонотлик бўлиб қолади.

Албатта, ёлғон ахборот учун ўша ахборотни тарқатган манба тегишли тартибда жавобгарликдан қочиш, қутула олмайди. Бироқ, бугун калаванинг иккинчи учу — ахборот қабул қилиш масъулияти ҳақида ҳам сўз юритмоқ лозимга ўхшайди.

Барчамизга маълумки, инсон ўз онги билан бошқа мавжудотлардан ажралиб туради. Мутахассисларнинг билдиришича, бола она қорнидаёқ ташқи оламдан

бўлмоқда.

Узоққа бормай, шу йил бошларида деярли аксарият жойларда кузатилган бир воқеани эслатмоқчиман. Январ-феврал ойларида биз яшаётган минтақада, хусусан, мамлакатимиз ҳудудида ҳам 3-4 мартаба энгил даражадаги ер силкинишлари содир бўлди. Бунга мутахассислар табиий жараён сифатида изоҳ бердилар. Лекин аҳоли ўртасида турли «миш-миш»лар ўрмалаб қолди. Эмишки, «фалон кун, фалон соатда кучли zilзила бўлармиш». Таассуфки, бундай ахборотлар ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Унинг ортида ана шу ахборотдан манфаатдор бўлган тарқатувчилар тургани ҳам айни ҳақиқат. Бироқ камдан-кам одамгина бу ахборотнинг «мағзини чақиб» кўрди. Энг ривожланган давлат, энг сўнгги русумдаги техника ҳам zilзиланинг аниқ вақтию қувватини олдиндан айтиб бера олиш имкониятига эга эмаслигини кўпчилик мушоҳада қилмади. Фақат олий ҳакам — вақтинга бу ахборотларнинг пуч эканлигини исботлади, холос.

Олинаётган ҳар бир ахборотни таҳлил қилиб, сўнгра хулоса чиқариш ҳақида гап кетганда бугун кенг оммани ўзига жалб этаётган «сариқ матбуот», аниқроғи, тижорат газеталари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш керак. Сир эмас, исталган матбуот

Халқимиз, миллатимиз орасида камдан-кам учрайдиган (баъзида умуман учрамайдиган) воқеаларни ҳам кўтариб чиқаётган хаваскор қаламқашлар, уларнинг минглаб нусхада чоп этилишига бош-қош бўлаётган нашрлар ҳақида кўя турайлик, ана шу мақолаларни (гоҳида ҳайрон қоласан, булар мақолами, ҳижоми ёки матбуотнинг биз билмаган янги жанрими?) «мириқиб» ўқибданлар унинг мазмуни, мақсади ҳақида фикрлаб, мушоҳада қилиб кўряптилармикан?!

XXI асрга ахборот асри, дея баҳо берилмоқда. Табиийки, ахборот хуружи ҳам глобал хавфлар сирасига кира бошлади. Буни халқимиз ўз бошидан ўтказиб, кўриб-билиб турибди. Андижон воқеалари борасида турли хорижий давлатларнинг куракда турмайдиган ахборотлари куруқ бўхтондан бошқа нарса эмаслигини бугун тақдорлашнинг ўзи ортиқча.

Ёки ўтган йилнинг ноябр ойида АҚШ давлат департаменти томонидан Ўзбекистоннинг «диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар» рўйхатида асоссиз равишда киритилиши-ю, буни шов-шув қилиб бугун дунёга эълон қилинишини олиб кўрайлик. Юртимизга нисбатан бундай муносабат,

бу каби ғаламисона хатти-ҳаракатлар бизнинг юксак бунёдкорлик ишларимизга қараб эмас, «тирноқ остидан кир қидириб» айб излаш ва бутун дунёга ноҳолис ахборот тарқатиш замирида қандай мақсадлар ётганлигини ҳамма ҳам тўғри мулоҳаза қилиб кўрдими?

Эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенглик давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб келаётган бир вақтда бундай ноўрин ахборот республикада яшаб, ўз диний амалларини бекаму кўст бажараётган миллионлаб мусулмонларга, бошқа дин вакилларига нисбатан тўхмат, бўхтон эмасми?!

Хайриятки, халқаро Ислом Конференцияси ташкилоти (ОИК) таркибидаги муассасалардан бири — Таълим, фан ва

маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ИСЕКСО) Тошкент шаҳрини 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти», деб эълон қилиш билан ушбу ахборот хуружини чиппака чиқарди.

Сир эмас, ёмон хабар тез тарқалади. Ахборотни қурол қилиб олганлар эса ана шу оддий ҳақиқатдан унумли фойдаланиш учун юзта яхши ишлар турганда, арзимас, гоҳида учинчи, тўртинчи даражали масалаларни ҳам биринчи ўринга чиқаришга ҳаракат қиладилар. Ёхуд маълум бир глобал масалага шошма-шошарлик билан, ноҳолис ёндашдилар. Унинг замирида аниқ бир мақсад турганини илғаб олиш эса ўзимизга ҳавола. Шундай экан, бизга етиб келаётган ҳар қандай ахборотни обдон таҳлил қилиб, мулоҳаза юритиб, сўнгра бир тўхтамга келишимиз керак.

Бугун Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро ахборот олиш ҳуқуқига эга. Бу ҳатто қонун билан кафолатланган. Лекин ана шу ахборотни тўғри талқин қилиш масъулиятини ҳам унутмаслигимиз лозим.

Илҳомжон РАҲМАТОВ,
Наманган вилоят
ҳокимлигининг Ахборот хизмати раҳбари

ИЛИНЖ

Ҳаётда болалик бахтини англаб-англамай яшаётган болалар борлиги кўпчиликни ташвишга солади. Айниқса, ақлан заиф, ногирон болаларни кўрганимизда ачинамиз, улар ҳам соғлом бўлса, нима қиларкин, дея ўйга толамиз. «Худонинг иродаси бу», деб ўзимизни юпатишдан нарига ўтмаймиз. Аммо қайси бир кимсанинг ўйламай босган қадами туфайли ногирон бўлиб дунёга келган болаларни бахтли қилиш учун бутун жону жаҳонини беришга тайёр турган, уларнинг қалбини ҳаммадан кўра теранроқ англаётган инсонларни кўрганимизда беихтиёр тасаннолар айтаемиз.

сухбатлаша олмадик. Негаки, болакайларга ҳар лаҳзада уларнинг ёрдами керак эди.

Мурувват уйини айланарканман, бирорта бекорчи болани учратмадим. Ҳатто Япония элчихонаси тавсияси билан келган Мариико хонимнинг болаларга нина ушлашни ўргатиб, тикишдан эринмай сабоқ бераётганига гувоҳ бўлдим.

Деворда осилган рамкалар ичидаги нишонлар, фахрий ёрликлар, турли танлов-

Дунё асли

Меҳрдан яралган

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 1-Мурувват уйи 320 ўринга мўлжалланган. Бу ерда 18 ёшгача бўлган болалар тарбияланади.

— Мурувват уйимизда барча шарт-шароитлар мавжуд. Ниятимиз болаларнинг бахт-иқболини кўриш, — дейди ўқув-тарбиявий ишлари бўйича масъул Зияя Габитова. — Гарчи ақлан заиф, қўл-оёқ ҳаракатлари ўзига бўйсунмаса-да, болажонларнинг ҳар бири — бир олам. Фақат уларни англаш учун соғлом болаларни тушунгандан ҳам кўпроқ ички бир сезги керак. Бир сўз билан айтганда, уларни қаттиқ сева билиш керак.

Ўша пайтда 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига тайёргарлик кетаётган эди. Марҳамат, болакайларнинг ашуласини эшитинг, рақсга тушганини кўринг, чизган суратларини томоша қилинг, сўнг ўзингиз баҳо берасиз.

Ўзига хос иқтидор

— Улуғбек, Алфия, Қудрат расм чизиш бўйича ўтказилган кўплаб танловлар ғолиби бўлишди, — дейди 15 йилдан буён тарбиячи бўлиб ишлаётган Замира Жалилова. — Тўғри, болаларда сурат чизаётганда ярмида туриб кетиш ҳоллари ҳам бўлиб туради. Ҳатто болаларнинг кайфияти об-ҳавога қараб ўзгаради. Ос-



монни булут қопласа, болакайларнинг соғлиги ёмонлашади. Рухиятида қандайдир ўзгаришлар рўй беради. Ана шундай вазиятларни ҳисобга олиб, улардан доимо кўзқулоқ бўлиб туришимиз керак. Бу ерда болаларга нисбатан юрагида катта меҳри бор одамгина ишлай олади.

— Мен буларга ёзиш-чиизишни ўргатаман, — дейди ўқитувчи Зебо Йўлдошева. — Улар билан ишлаш соғлом болаларга қараганда анча мураккаб. Аввал ҳар бир болакайнинг дафтарига қаламда ёзиб чиқаман, улар устидан ручка билан ёзишади. Уларнинг битта ҳарф ўрганиши, бир сўзни айта олиши бизни жуда қувонтиради. Уйда ота-оналари уларга қарай олмайдилар. Биз эса овқатланишдан тортиб, пойабзалини тўғри кийишигача эринмай ўргатамиз.

Энг муҳими, улар билан эҳтиёт бўлиб гаплашиш керак. Айтайлик, жуингизда табассум бўлсаю, ичингизда уларни ёмон кўриб турсангиз, дарров пайқашади.

Ўзлари тарбияладиган болалар ҳақида тўлқинланиб гапирётган тарбиячилар билан узок

ларда қатнашиб фахрли ўринларни эгаллаб, чет эллик тенгдошлари билан тушган суратлари — ютуқларидан гурурланиб турган чеҳраларда Мурувват уйида тарбияланаётган болаларнинг қўлга киритган ютуқлари акс этган.

Болаларнинг АКШ, Канада, Бельгияда ўтказилган олимпиадаларда эришган ютуқларини кўриб, дилдан севинасан киши. Демак «интилганга толе ёр», деб бежиз айтишмаган. Айни кунда республика миқёсидаги 5 та болалар Мурувват уйи ўртасидаги ёзги кичик олимпиада ўйинларига тайёргарлик қизгин кетаётган экан.

Саховатпеша ҳомийлар

— Бу ерда ҳаёт ҳамиша қайнайди, — дейди Мурувват уйи директори Татьяна Саидова. — Бор кучимиз, меҳримиз, маблағимизни болажонларга сарфлаймиз. Ахир уларнинг ҳам бошқа болалар каби бахтли бўлишга ҳақлари бор.

Меҳр-мурувватга ташна болажонларнинг келажаги порлоқ бўлиши учун ёрдам бераман, деган ҳомий ташкилотлар жуда кўпчиликни ташкил қилар экан. Жумладан, «Совпластитал» корхонаси, Чехия элчихонаси, «Меҳржон» ташкилоти, Ислон университети, «Сен ёлғиз эмассан» Республика болалар фонди, «Ўзбекистон темир йўллари», эҳ-ҳе, уларнинг рўйхатини истаганча давом эттириш мумкин. Ўтган йили ҳомийлар томонидан 323 миллион сўмлик



моддий ёрдам берилган бўлса, Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан бу кўрсаткич янада ошган. Ҳа, меҳрининг чегараси бўлмайди. Баъзи болалар ота-оналари беролмаган меҳрни бегоналардан олишмоқда. Меҳрибон тарбиячилару ҳомий ташкилотлар ногирон болакайларнинг саломатлиги учун баҳоли қудрат ҳаракат қилишяпти. Лекин дилингизда «Барибир, улар ҳам соғлом бўлиб дунёга келиши мумкин эди-ку», деган оғриқли ўй ўтаверади.

Мулоҳаза

Болажонларнинг ногирон бўлиб қолишига кўп ҳолларда ота-оналари айбдор. Корейлик доктор болалардан бирининг қўл томирини ушлаб кўриб, унинг онаси ҳомиладорлик пайтида грипп билан оғриганини, бу хасталик болага ўтганини айтиди. Буни қарангки, унинг шахсий варақасида ҳам худди шундай маълумот бор экан. Мурувват уйидаги болаларнинг кўпчилиги онанинг ҳомиладорлик пайтида орттирган касалликлари туфайли ногирон бўлиб қолган. Аввал онанинг, қолаверса, врачнинг эйтиборсизлиги сабаб бир бегуноҳ бола бугун ногиронликка маҳкум. Нега шундай бўлди? Бунга ким — онами ёки шифокор айбдор?

Тўшақдан туролмайдиган болалар бўлимида кўнглим янада ғашланди.

25 ёшли йигитнинг жуссаси 3-4 ёшли болакайни эслатади. Оёқ-қўли чангак бўлиб қолган, ҳеч нарсани фикрлай олмайди. Кўзи,

қулоғи бору, гўзалликни, беғубор осмонни кўролмайти. Қаердандир аянчли инграш овози эшитилади... Бу ердаги баъзи болаларнинг ота-оналари йиллаб йўқлаб келмас экан. Болаларидан хабар олгани келганлар билан суҳбатлашаман. Улар ўзларини танитишни исташмаса-да, дилларидагини яширолмайдилар.


— Мени бой-бадавлат хонадонга узатишди. Турмуш ўртоғим гиёҳванд экан. Иккала фарзандим ҳам ногирон бўлиб туғилди, — дейди кўзларининг ёшини тиёлмаган онаизор армон билан.

— Неварам шу ерда. Қизимни қариндошимизга узатгандик, фарзанди ногирон бўлиб туғилди, — дейди кекса онахон афсус билан.

Пушаймон билан бирон нарсани ўзгартириб бўлармикан?

Мурувват уйлари, ота-онасиз болалар... Жамиятнинг оғриқли нуқталари. Кимдир етти мучаси соғ боласини Меҳрибонлик уйларига ташлаб кетаётган бир пайтда, кимлардир ногирон болани фарзандликка олиб меҳр беради. Гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, қариндош-уруғларнинг кўр-кўрона куда-анда бўлишларининг аччиқ мевалари — ногирон болалар... Яхшиямки, давлатимиз ғамхўр, саховатли, яхши инсонлар, меҳр-оқибат бор. Ҳа, дунёда яхшилар кўп экан, ҳаёт абадийдир.

Барно СУЛТОНОВА



Рухият сабоқлари

Нега баъзи ота-оналарнинг болалари талтайиб кетади? Бу фақат кенжатоилар эмас, кўпинча биринчи фарзандга ҳам тааллуқли ҳол. Ота-она биринчи боласини ўзгача меҳр билан суюди, баъзилар уни хақиқий кўғирчочка айлантириб қўяди. Ота-она уни севибгина қолмай, ўзининг ушалмаган орзу ва кўрқувини айнан шу боласига кўчиради. Иккинчидан, илк бор ота-она бўлганлар ўзини ёш жисм учун масъул деб, ҳаддан ташқари болага кўп эътибор ажратади. Бола йиғлашга тушса, улар ўзларини айбдор ҳис қилиб қандайдир ёрдам бериш ҳаракатига тушиб қолишади. Иккинчи фарзандга келганда эса ота-она анча тажриба орттиради. Энди сиз боланинг фойдаси учун нимагадир руҳсат бермасликка кўникасиз. Катъият ва қайсарлик билан ўзингизни айбдор эмас, аксинча ҳақ деб ҳисоблай бошлайсиз.

Хўш нега баъзи ота-оналарнинг болалари жуда талтайган? Бунинг бир неча сабаби бор:

1. Одатда жуда узоқ зурриёд кутган ва бошқа фарзандли бўлолмайдиган ота-оналар ягона боласини йўқотиб қўйишдан кўрқади. Ўз кучи ва ақлига ишонмасдан ихтиёрий равишда боланинг қули ва ушалмас орзу асирига айланишади.

2. Етим бола асраган, боққанлар ҳам бировнинг фарзандига нисбатан ноҳақлик қилиб қўйишдан кўрқиб болани эркалитиб юборишади.

3. Фарзандига бефарқлигидан уялувчи ота-оналар айбини беркитиш учун унинг истаган хоҳишини бажариб талтайтириб юборишади.

4. Бола йиғисига чидай олмайдиган, бунинг учун ўзини айбдор ҳис қиладиганлар уни тинчитиш учун боланинг айтганига кўнади.

Қандай сабаб бўлишидан қатъи назар ўз ҳуқуқи ва ваколатидан воз кечиб, боланинг эҳтиёжини қондиришга одатланганлар ўз қўллари билан бола тарбиясини бузади. Агар боланинг ақли бўлганда, талтайтириш унчалик кўрқинчли оқибатга олиб келмасди. Ҳамма гап шунда — бола нима фойда, нима зарарлигини билмайди. У ота-она бағрида ўзини хавфсиз ҳис қилишни истади. Шу сабаб катталарнинг иккиланиши болага таъсир қилади. Болангиз қароватчада ёлғиз қолиб йиғлашни бошлаши биланок, уни нимадандир химоя қилгандек дарров кўтариб олсангиз, у ҳам хавф-хатар борлигига ишона бошлайди. Ота-она унинг истагига қанча кўп бўйсунверса, у шунчалик қайсар ва «қаттиққўл» бўлаверади. Инсон ҳар қандай ёшда тобе одамнинг бошига чиқишни яхши кўради.

Талтайга болани қайта тарбиялаш

Фарзандингиз тантик бўлиб бораётганини қанча тез тушунсангиз, уни қайта тарбиялаш шунча осонлашади. Бу иш аввало қатъият ва талабчанликсиз бўлмайди. Ҳақ эканлигини билши учун ёдда тутинг — ота-онанинг болага тобелиги ўзидан кўра фарзандига

гиз уни кўтармай, ёнига — ерга ўтириб олинг. Ўзи кучоғингизга чиқиб олсин. Сиз ундан узоққа кетмаслигингизни англагач, ўзи ўйнай бошлайди. Аксинча, кўтариб олсангиз уни қайтиб туширолмайсиз — у буни хохламай қолади. Агар Сиз билан ўтириб ҳам гингшийверса, яна ишингиз билан шуғулланишда давом этинг.

Ухлашни

истамаслик

Бу муаммо яширин ривожланади. Кўпинча уч ойгача қорни дам бўлган ё асабий йиғ-

ган вақтда жойига ётқизиб, ёқимли овоз билан ширин уйку тилаб, хонадан чиқиб кетинг ва бошқа қайтиб кирманг. Кўпчилик болалар биринчи марта 20-30 дақиқа йиғлагач, ҳеч қандай ўзгариш бўлмаётганини кўриб ухлаб қолади. Кейинги тун 10 дақиқа, индинига эса умуман йиғламайди. Асаби чатоқ одамлар бу вақт йиғига чиқолмай, кўз олдига бемаъни хаёллар келади. Бўрттирманг, бола

бўлади. Натижада ота-она бола тузалиб бўлгандан кейин ҳам сал гингший бошласа, ташвишланадиган одат чиқаради. Гоҳида эса тиши чиқаётган бола ҳам тунда ухлай олмай, тиши чиқиб бўлгандан сўнг ҳам бедорликка кўникади. Болалар худди катталардек тунда бир неча бор ҳолатларини ўзгартириш учун у ёқ-бу ёққа ағдарилади. Агар шу маҳал уни қўлга олиб кўтараверсангиз, у тунги

Боладаги танतिकликнинг сабаби



бедорликни ҳуш кўрадиган бўлиб қолади. Вақтида бу зарарли одатга чек қўйилмаса, бола тунда бир неча марта уйғониб, қолганларга уйку бермайди. Энди Сиз уни тунда ҳам кўтаришингиз керак. Болани ва Сизни бундай қийноқдан қутқариш йўли жуда осон. Бола кечкурунги "концерт" билан ҳеч нимага эришиб бўлмаслигини тушуниши лозим. Майли, йиғлайверсин, олдига борманг. Бир асрдек туюлган вақт 20-30 дақиқалик йиғи, холос. Кундан-кунга унинг йиғи "концерт"и қисқараверади. Муҳими, бола тунда уйғонгач, ота-онасини кўрмаслиги керак. Агар у Сизни кўриб қолса, ҳар қанча ўзингизни ухлаганликка солманг, у бадтар жаҳлга минади. Уни бу одатдан ҳалос этиш учун бир неча кун алоҳида хонада ухлаган маъқул. Агар бунинг иложи бўлмаса, унинг қароватини қалинроқ парда ё мато билан тўсиб қўйинг.

Тантик болада кўнгил айнаши

Баъзи болалар асабийлашиши биланок кўнгли айнаиб, қусади. Кўрқиб кетган она унга хавотирланиб қаради, дарров устини тозалашга, бақариши билан олдига югуришга тушади. Бола вазиятдан фойда кўраётганини англайди ва кейинги сафар жаҳли чиққанда яна қусишга ҳаракат қилади. Энг қизиғи, қусиш нафақат онани, балки уни ҳам чўчитади. Агар бола атайлаб шундай қилаверса, она қусишга совуққонлик билан жавоб қайтариши керак.

Унутманг, бола ўзингизнинг қандай тутаётганингиз, хотир-жам ё кўрқиб кетганингизга қараб жавоб қайтаради. Шу сабаб инжикликни бир умрга мерос нарса деб эмас, ташласа бўладиган вақтинчалик ёмон одат деб қаранг.

Гулгун СУЛТОНОВА тайёрлади

Ҳар тунда уйғонадиган бола

Бундай болалар жон деб уйқуга кетади, аммо ҳар ярим кечаси уйғонаверади. Баъзида бунга шамоллаш ё қулоқ огриғи сабаб

кўпроқ зарар келтиради. Тантик бола на ўзига, на атрофдагиларга ёқади. Демак, Сиз унинг фойдаси учун шу ишга қўл урмоқдасиз. Бола ўз-ўзидан тинчланади. Аммо 3-4 ойлик чақалоқ ҳадеб йиғлайверса, она бола огриқдан ё кўрққандан эмас, қайсарлик билан йиғлаётганини тушунади. Уни кўтаришларига ўрганиб қолган бола шундай бўлиши керак, деб ўйлайди. Онаси бир мuddатга ўтириб қолса, у яна гингшишга тушади. Шу алфозда у соат 9, 10, 11 ва ярим кечагача ухламайдиган одат чиқаради. Аллалангач, кўзлари юмилиб ухлаб қолади, аммо жойига ётқизмоқчи бўлсангиз, яна йиғлай бошлайди. Уйкусизлик нафақат унинг иштаҳаси ва асабига, балки онага ҳам ёмон таъсир қилади. Кундузги "концертлар" эса кечкурунгидадан ошиб тушади. Уни бу одатдан қутқариш мумкин. Давоси жуда осон: болани белгилан-

лайдиган болаларда учрайди. Ёхуд бу ҳам танतिकлик белгисидир. Авваллари боланинг қорни дам бўлса, уни қўлга олиб юпатишарди, она ҳам ўз-ўзидан тинчланади. Аммо 3-4 ойлик чақалоқ ҳадеб йиғлайверса, она бола огриқдан ё кўрққандан эмас, қайсарлик билан йиғлаётганини тушунади. Уни кўтаришларига ўрганиб қолган бола шундай бўлиши керак, деб ўйлайди. Онаси бир мuddатга ўтириб қолса, у яна гингшишга тушади. Шу алфозда у соат 9, 10, 11 ва ярим кечагача ухламайдиган одат чиқаради. Аллалангач, кўзлари юмилиб ухлаб қолади, аммо жойига ётқизмоқчи бўлсангиз, яна йиғлай бошлайди. Уйкусизлик нафақат унинг иштаҳаси ва асабига, балки онага ҳам ёмон таъсир қилади. Кундузги "концертлар" эса кечкурунгидадан ошиб тушади. Уни бу одатдан қутқариш мумкин. Давоси жуда осон: болани белгилан-

Ривоят ва ҳақиқат

Бепоен юртимиз бўлаб юлдузлардай сочилиб кетган минглаб қишлоқлар бор. Уларнинг ҳар бири ўзига хос кўриниш, табиат ва тарихга эга. Тўғри, шўро даврида уларнинг аксарияти замон тақозосига кўра ўзгариб, илгари Тошкўргон, Эскиараб ва ҳоказо минглаб ўз тарихий мазмунига эга номлар «Коммунизм», «Социализм», «Ленин», «Карл Маркс» каби қадриятларимизга мутлақо бегона номларга алмаштирилган эди. Хайриятки, истиқлол туфайли тарихий номланишлар ўзи ўрнига қайтди. Ҳозирда жой номларига қараб, ўша ернинг табиати, кўриниши, тарихи ҳақида маълум хулосага келиш мумкин. Жуда кўп шаҳарлар, маҳаллалар, қишлоқ, кўча ва гузарлар номлари қанча-қанча сирлар, ривоят ва афсоналарни жамлаб ётади. Кўкон-Фарғона автомобил йўлидан Учкўприк тумани марказига кетган йўл ёқаларида «Буйрак» ва «Кекирдок» деб номланган қишлоқлар бор. Улар ёнма-ён жойлашган. Ҳар бирининг номларида ўзига хос синоат яширин.

...Ҳозирги Кекирдок қишлоғи ўрнида Миршарофбой исми бойнинг чексиз бугдойзорлари бўлган. Эски замонларда бу жойлар камсув, тошлоқ ерлар эди. Лекин Помир тоғлари бағридан оқиб тушадиган Сўх дарёси сувлари озроқ бўлсада, бу ерларга ҳам етиб келган ва кексалар айтгандай «насиба»га яраша бугдой; жўхори ҳосили олиш мумкин эди. Ҳикоя қилишларича, Миршарофбой ўта хасис, хизматчилар билан муомалада жуда қирриқ одам бўлган. Айёр бой хизматкорларини авраб ишга қабул қилар, бугдой йиғиштириб олингач эса турли ёлғон-яшиқлар билан улар қўйини пуч ёнғоққа тўлдириб, қуруқ жўнатишга устаси фаранг эди. Бора-бора Миршарофбой бугдой ўроққа чақирса ҳеч ким бормаидиган бўлиб қолади. Бой Кўкон мардикор бозорига кириб борса, унинг таърифини эшитган мардикорлар ўша ондаёқ тум-тарақай бўлиб кетарди. Ҳатто бир йил ўроқчи йўқлигидан анчагина бугдойининг дони тўкилиб ҳам кетади. Келаси йил эрта баҳордан бой қишлоқ гузарига чиқиб яна хизматга одам чорлайди.

— Бой! — деди шунда сўри-

нинг бир четида ўтирган Аҳмад анқов деган одам (у бирор бир нарсани сўраб-суриштириб қолса, тагига етмагунча қўймас, атайин анқовсираб, ижиклаверар, шу боис бўлса керак ақли-хуши жойида, туппа-тузук бу

ФАРОИШ НОМЛАР

одаминг лақаби «анқов» эди). — Агар рози бўлсангиз, мен уч ўғлим, уч укам билан бугдойингизни ўриб бераман.

— Э, яша! — оғзи қулоғига етади бойнинг, — сени рози қиламан, албатта!

— Лекин бир шартим бор, — деди Аҳмад анқов. — Биз тўрт ака-ука, уч ўғил ҳаммамизнинг қорнимизни тўйдирасиз!

— Э, гап бўлиши мумкин эмас! — дейди шоша-пиша бой.

— Шарт шундаки, — дейди анқов салмоқлаб, — ўрилиб, хирмонга тўкилган бугдойнинг кекирдокдан ўтгани бизники бўлади.

Бой бироз ўйланиб қолди-ю, кейин яна ўзига таскин беради: «Еттовлон бир кунда борингки, икки қоп бугдой ундан тайёрланган нон ер».

— Мен розиман.

— Ундай бўлса қози ҳузурда бунни келишиб оламиз.

Хуллас, қозихонада шундай расмий шартнома тузилади: ўрилиб, янчилик хирмонга тўкилган дон бойники, кекирдокдан ўтгани эса ака-укаларники!

Ака-укалар қизгин бугдой ўримига киришиб кетадилар. Ҳар куни ўрилиб янчилган бугдой тоғ-тоғ хирмонга айланар, хирмон атрофида бой ака-ука, фарзандлари билан бугдой кўриқлаб тинмасдилар. Ниҳоят бугдой ўрими ҳам тугайди. Тайёр бўлган донни бой тозалаб, омборларга жойлайди...



— Миршарофбой! — дейди Аҳмад анқов, — энди ҳисоб-китоб пайти ҳам келди.

— Бемалол, — деди бой бамайлихотир, — ўша келишув бўйича қанақа ҳақинг бўлса олаверасан!

— Унда қозини чақирамиз!

— Ҳурматли қози! Миршарофбой! Гувоҳлар! — дейди Аҳмад йиғилганларга қараб. — Ўрим арафасида тузган шартномамизга мувофиқ доннинг хирмондагиси бойники, кекирдокдан ўтгани эса бизники бўлиши керак эди. Тўғрими, бой?

Бой бошини лиқиллатади. Шунда Аҳмад хирмон ўртасида бир жойни тозалаб ҳаммани ўша жой-

га чорлайди. Тозаланган жой ўртасида бир тешик бор эди. Аҳмад тешик атрофини теша билан чопиб очади. Тешик бир қувурча бўлиб, қувур ўрнида... от кекирдаги ўрнатилган экан!

— Мана шу кекирдокдан ўтгани меникимми?!

Қози ҳам, бой ҳам, гувоҳлар ҳам бунни тасдиқлашди...

Маълум бўлишича, Аҳмад укалари билан ҳали қаҳратон қиш пайтидаёқ бойнинг хирмони тагида тўртта катта ўра қазишган. Ўраларнинг ичини мустаҳкамлаб, тепасида кичик тешик қолдиришган, тешикларга эса от кекирдаги ўрнатилган экан. Тайёр дон олиб келиб хирмонга тўкиш

арафасида кекирдакларни очиб қўйишган, дон секин-аста кекирдакдан ўтиб ўрани тўлдираверган... Хуллас, ака-укалар тўртта катта ўрадан икки юз қопга яқин дон олишган. Бу дон ҳалол ҳисобланган... Хасис бойни қўлга тушириш билан боғлиқ юқоридаги воқеа боис кейинчалик бу ерда пайдо бўлган қишлоқ «Кекиртак» деб аталган.

Ҳа, юртимизда шундай ажаб-тўғри номли қишлоқлар кўп. Бу номларга тузукроқ эътибор беринг, суриштиринг — шунда бири-бирдан қизиқ воқеаларга гувоҳ бўласиз.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Яқин тарих лавҳалари



Биринчи ҳикоя

Кир-чир, оқ бўздан кўйлақ-иштон кийган болакай ковушига тупроқ тўлдириб «машина» ҳайдаётди. Ўйин орасида у кўёш соясининг чизикча етган етмаганига қараб-қараб қўяди, уни ўйиндан ҳам кўра ўша нарсани қизиктиради. Болакай бирдан ирғишлайди.

— Ойи, ойи, соя чизикча етди, энди нон беринг, энди нон беринг.

Ойиси ўғирда янчаётган маккани қўйиб, ёнида турган дастурхонни очади, бир тўғрам нон синдириб ўғлига узатади, иккинчи бўлагини эса болакайнинг акасига асраб

Уруш болалари

қўяди.

— Узингиз-чи, ойи, — дейди ўғли ҳар доимғидай.

— Мен едим, — онаси кўзларини яширади.

Қоронғи тушади. Она одатдағидай енг ичига яширган тухумини болакайга кўрсатади. Болакай бўздан тикилган кичкина халтачани кўтариб уйларида унча олиб бўлмаган бугдойзор-

га югуради. Бугдойзорга ундан бошқа ҳеч ким киролмайди. У кичкиналиги учун баджаҳл, хасис қоровул кўзига ташланмайди. Болакай бугдойзор оралаб бораркан, кўли билан узолмаган бошоқларни тиши билан қайириб халтачасига солиди. Кўркувни, ваҳимани енгил учун тинмай пичирлаб қўшиқ хиргойи қилади:

Том бошида беда бор,
Майдасини элаб ол...

Том бошида беда бор,
Майдасини элаб ол...

Халтачага бир ҳовучдан кўпроқ бошок йиққан болакай қоронғи, ваҳимали бугдойзордан тезроқ чиқиб кетиш учун орқасига уйига қараб югуради. Дарвоза олдида кутиб ўтирган онасига халтачани узатади,

онаси эса унга тухумни.

Бироздан сўнг ҳовлини ковурилган бугдойнинг ёқимли иси тутади. Ундан кейин янчилаётгандаги овоз «тўп-тўп», «тўп-тўп»... Болакай ухлаяпти. У ҳар доимғидай босинқирайди. Тушида қоровул қувлайди. У эса зулмат қаърига юмалаб кетаётган сон-саноксиз тухумларнинг ортидан чопади.

Иккинчи ҳикоя

Бугун қишлоқда тўй. Тўйхонада эркаклардан ҳам кўра кўпроқ хотинлар, аёллардан кўра кўпроқ болалар. Болакай онасига эргашиб тўйга борди. Чеккада ўтирган аёллардан бири узатган қулчани қўйнига тикиб кўчага югурди. Йўл ўртасида чопқиллаб кетаётган болакайни шитоб билан келаётган от-арава уриб юборди. Болакай учиб бориб йўл четига тушди. У қўзини очганида ориқ қорамғиз аёл қўлида сув, яна бир ўрта бўйли оқ-сарик аёл пиёлада айрон тутарди.

— Айрон ич, болам, ич шуни, ич, — дея юзига сув сепарди.

Сал нарироқда эса ҳаллослаб аравакаш келарди.

— Тфу, палакате, кўрмай қолдим, қандай олдимдан чиққанини кўрмай қолдим, худо ҳаққи, — дерди нуқул кир рўмолчасини гижимлаб.

— Ке, ке, кўлингни бойлаб қўяман.

Болакай аравакашнинг қўлини

итариб юборди. Атрофга аланглади, оёқларини типирчилатиб йиғлай бошлади. Нимадир эсига тушгандек, қўлини шошиб қўйнига тикди. Қулчани олиб бир пас қараб турди-да, боши лўқиллаб оғриётганига, оёғининг сирқирашига, қўлининг сидирилган жойидан қон оқаётганига қарамай, суюнганча оқсоқлана-оқсоқлана югуриб кетди.

Барно СУЛТОНОВА

Севара — энг яхши китобхон

Жиззах вилоят халқ таълими бошқармаси «Ахборот-ресурс маркази»да мактаб ўқувчилари ўртасида «Энг яхши китобхон» республика кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

— Ушбу кўрик-танловни ўтказишдан мақсад, — дейди вилоят «Ахборот-ресурс маркази» раҳбари Х. Қудратова. — Билми манбаи бўлган китобни севиш, болалар ва ешларда ўқиш маданиятини шакллантириш, мактабларда ақлан ва жисмонан баркамол ўқувчиларни камол топтириш, миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизни ешларга сингдириш, миллий ва ахлоқий, ҳуқуқий тарбияни, бой адабий меросимизга бўлган меҳрни шакллантиришдан иборат.

Кўрик-танловда 13 та жамоа вакиллари иштирок этиб, ўзаро беллашдилар.

Ҳакамлар ҳайъати қатнашчиларининг белгиланган 4 та шарт асосида билим ва маҳоратларини қузатиб боришди.

Фаллаорол туманидаги 15-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Севара Қамбарова биринчиликни қўлга киритиб, кўриктанловнинг республика босқичига йўлланма олди.

Фаол қатнашчиларга вилоят ХТБ, таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси кенгаши, «Камолот» ЕИХ бўлимининг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

А. АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари

Суд соҳасида кадрларни танлаш ва тасдиқлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, суд ҳокимиятининг мустақиллигини кучайтириш, судьялар захирасини шакллантириш, номзодларни танлаш ва лавозимларга тавсия этишнинг демократик тамойилларини мустаҳкамлаш мақсадида 2000 йил 4 майда Юртбошимиз «Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясини тузиш ва унинг низомини тасдиқлаш ҳақида»ги Фармонида имзо чекди.

Унга кўра, Олий Мажлисининг 2001 йил 7 декабрдаги қарори билан «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги Низом тасдиқланди.

Судьялар корпуси барқарорлигини таъминлаш ва комиссия фаолиятини ташкил қилишни тубдан ўзгартириш мақсадида 2006 йил 17 мартда «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармон эълон қилинди.

Мазкур фармонларнинг эълон қилиниши судьяларнинг мавқеини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди, уларнинг зиммасидаги масъулиятни кескин оширди ва одил судловни амалга оширишда кенг имкониятлар яратди.

Амалдаги қонун ҳужжатларида кўра, судьялик лавозимлари учун захирага олиш ва улар билан ишлаш тартиби судьяларнинг малака ҳайъатлари томонидан амалга оширилади.

Хўш, бу борада фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят судьялари малака ҳайъати қандай ишларни амалга оширмоқда? Яқинда малака ҳайъати томонидан ташкил этилган кенгайтирилган семинар машғулотидан ана шу саволга муайян даражада жавоб олинди. Уни фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят судьялари малака ҳайъати раиси Хусан

Муллажонов кириш сўзи билан очди ва бошқариб борди.

Семинарда Тошкент Давлат Юридик институти «Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви» кафедраси катта ўқитувчилари И.Беков, Ш.Зулфиқоров, Гулистон Давлат университети «Фалсафа» кафедраси катта ўқитувчиси У.Мавлонов, вилоят суди, туманлараро

учун захирадаги номзодлар билан ишлашни янада кучайтириш, номзодлардан ҳуқуқий билимларини оширишни талаб қилиш лозимлиги ўқитиб ўтилди.

ТДЮИ катта ўқитувчиси И.Беков Ўзбекистон Конституциясининг 83-моддасига асосан Олий Мажлисининг қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун юзасидан тушунтириш бериб, мазкур қонунларнинг маз-

си, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги устувор вазифалари мавзусида маъруза қилар экан, ТДЮИ катта ўқитувчиси Ш.Зулфиқоров Ўзбекистоннинг бугунги ва эртанги кундаги истиқболлари, ривожланиш босқичлари ва стратегияси хусусида батафсил тушунтириш бериб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида асосан судларда амалга оширилган ихтисослашувнинг аҳамияти ва самараси ҳақида вилоят судининг судьяси Х.Жалолов қисқача тўхталиб, умумий юрисдикцияли судларнинг 2001 йил январдан бошлаб фуқаролик ишларини ҳамда жиноят ишларини кўриб чиқадиган судларга ажралганлиги, кейинчалик апелляция институтининг жорий этилганлиги, иш юриштирининг буйруқ тартибида соддалаштирилганлигини билдириб, тушунтириш берди.

Номзодлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар.

Семинар якунида малака ҳайъати раиси Х.Муллажонов судьялар захирасини шакллантириш, номзодларни танлаш ва лавозимларга тавсия этишнинг демократик тамойилларини мустаҳкамлаш мақсадида номзодлар билан кўплаб мана шундай семинарлар ташкил қилиш лозимлигини таъкидлади. Мақсад — энг билимли, тафаккур даражаси юқори, муносиб кадрларни етиштириш, дунёқараши кенг номзодларни судьялик лавозимига тавсия этишдир.

В. КАМОЛОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг бош мутахассиси

Тезкор хабарлар

Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан «Олой бозори»да жойлашган «Giogetto» хусусий фирмасига қарашли «Олмос» заргарлик дўконидан ўтказилган тадбирда мазкур дўкон кассири В.Колесников ҳамда сотувчи А.Аванасян ҳамда «Сифат» заргарлик дўкони кассири О.Яшнова ва хусусий тадбиркор Ф.Хўжаевлар фуқаро А.Усанов билан учрашиб, унга 6 дона эркаклар, бир дона аёллар тилла қўл соатини ноқонуний равишда 10.650 АҚШ долларига сотганлиги аниқланди.

Текшириш якунига кўра, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, бироқ тегишли ҳужжатлари бўлмаган 13 млн. 419 минг сўмлик тилла соатлар ҳамда 50 АҚШ dollari вақтинчалик олиб қўйилиб, жиноят иши кўзгатилади.

М. ФУЛОМОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси матбуот гуруҳи катта инспектори

Департамент ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро С.Утегенов пойтахтимиздаги «Чилонзор» метро бекати ёнида харидор Ш.Мирзаахмедов билан учрашиб, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган, акциз маркази бўлмаган 600 шиша спиртли ичимликларни 1 млн. 380 минг сўмга сотиб, харид чеки бермаганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, С.Утегенов томонидан ташлаб кетилган автомашина кўздан кечирилганда, у ердан 27 та турли корхоналарнинг муҳри қўйилиб, имзоланган шартномалар, юк хатлари ва С.Утегенов номига берилган, бироқ бошқа шахснинг сурати ёпиштирилган паспорт ксеронусхаси топилган.

С.Утегеновга нисбатан жиноят иши кўзгатилади.

Б. ҚУРБОНБЕКОВ,
бошқарманин СВОЖАБЭ ва ОО бўлими катта инспектори

Ходимларимиз томонидан ўтказилган тадбирлардан бирини фуқаро З.Негматов харидор С.Умиров билан учрашиб, хорижда ишлаб чиқарилган 200 дона «Алюкопон» курилиш молларини ноқонуний равишда 7200 АҚШ долларига сотганлиги аниқланди. Суриштирув чоғида З.Негматов эшик ва ром ишлаб чиқариш цехини юритиб келаётганлиги, цех эса аслида хусусий тадбиркор Ш.Шоумаровга тегишлилиги аниқланди. «Алюкопон» курилиш молларини ҳам мазкур цех омборидан олиб, сотишни Ш.Шоумаровнинг акаси унга буюрганлиги маълум бўлди.

Тадбир якунига кўра, 9 млн. 72 минг сўмлик 200 дона «Алюкопон» курилиш моллари вақтинча олиб қўйилиб, жиноят иши кўзгатилади.

Б. ҚОРАБОВ,
бошқарма бўлим катта инспектори

Тезкор хабарлар асосида Яккасарой туманида яшовчи С.Ходжаевнинг хонадонидан кўздан кечирилганда, бу ерда акциз марказиз, хорижда ишлаб чиқарилган 37 турдаги 17 млн. 577 минг сўмлик спиртли ичимлик мавжудлиги аниқланди.

Суриштирувда С.Ходжаев акаси Р.Ходжаев билан бирга мазкур маҳсулотларни Россиянинг Москва ва Украинанинг Харьков шаҳарларидан сотиб олиб, юртимизга божхона назоратини четлаб, яширин равишда муомалага киритиш учун олиб келганликлари маълум бўлди.

Мазкур иш юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, қонунбузарларга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Ш. ҒАҒУРОВ,
бошқарма катта суриштирувчиси

Номзод танлаш масъулияти

судларининг раислигига ҳамда судьялигига захирага олинган номзодлар иштирок этдилар.

Семинарда сўзга чиққан фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят судлари судьялари малака ҳайъати раисининг ўринбосари Г.Олимова малака ҳайъати томонидан амалга оширилган ишларга алоҳида тўхталиб, малака ҳайъатининг иш фаолиятига ижобий баҳо берди.

Малака ҳайъати томонидан судьяликка номзодлар захирасини шакллантириш ва судьялик лавозимларига номзодлар тавсия этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиганлиги таъкидланди.

Шу билан бирга айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, малака ҳайъатлари томонидан судьялик лавозимига юборилган номзодларнинг лойиқлиги фоиз кўрсаткичи бўйича қониқарли эмаслиги, шунинг

мун ва моҳияти ҳамда бугунги кундаги аҳамияти хусусида атрофлича тўхталди.

Ўзбекистон Президенти «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз» (иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида кўтарилган сиёсий, иқтисодий, маънавий ва суд-ҳуқуқ соҳаларидаги вазифалар) асаридаги маърузасида белгиланган устувор вазифалар ва уларнинг амалга оширилиши юзасидан Гулистон Давлат университети «Фалсафа» кафедраси катта ўқитувчиси У.Мавлонов сўзга чиқиб, бу борада бир қанча ижобий ишлар амалга оширилганлигини, лекин ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар талайгина эканлигини таъкидлади.

«XXI аср бўсағасида, Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегия-

наси раҳбарига нисбатан чора кўрилиши учун вилоят электр тармоқлари корхонасига тақдимнома юборди.

Айрим хўжалик юритувчи субъектларда қарздорликнинг камайиши ўрнига ўсиб бориш сабаблари атрофлича ўрганилди. Мисол учун, «Ўртачирчиқ ТИХПТФ» корхонасининг 521,9 минг сўм муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўла туриб, электр

МТП корхонасининг муддати ўтган қарздорлик суммаси айни шу сабабга кўра 83,6 минг сўмга кўпайган.

Шубҳасиз, бундай салбий кўринишларнинг олдини олишда тушунтириш ишлари ижобий самара беради. Шу мақсадда шартномавий мажбуриятларга амал қилган ҳолда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтираёلمиз. Натижа ёмон эмас, қарздорлар сони камаймоқда.

Феврал ойи учун электр энергиясидан тушум бўйича белгиланган режа кўрсаткичи 308500 минг сўм бўлса, амалда 343100 минг сўмга бажарилди. Март ойида эса белгиланган миқдор 118 фоизга бажарилишига эришилди.

Ечимини кутаётган муаммо ва қилиниши лозим бўлган ишлар ҳали жуда кўп. Жумладан, аҳолидан электр энергия учун олинандиган тўловларни ундириш, ноқонуний ишлатилишининг олдини олиш каби масалалар жиддий эътибор қаратишни талаб этади. Бунда жамоатчилик ёрдамига катта эҳтиёж сезилади.

А. СОДИҚОВ,
Ўртачирчиқ туман Давлат солиқ инспекцияси шўба инспектори

Бугуннинг гапи

Ҳаётимизни электр энергиясиз тасаввур этиш мушкул. Ҳар бир жабҳада унга эҳтиёж сезамиз. Аммо электрдан фойдаланиб, хақини тўлашга келганда пайсалга солаётганлар орамизда йўқ эмас. Бу борадаги қарздорликни бартараф этиш масъулиятли вазифага айланмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиядан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан муддати ўтказиб юборилган тўловларга йўл қўйган юридик шахсларга нисбатан жазо чоралари қўлланилиши белгиланган. Айнан шунинг учун ҳам Давлат солиқ инспекцияси ходимлари муддати ўтган қарзларни ундириш ва тўлов маблағларининг тўлиқ тушишини назорат қилишга жиддий эътибор қаратишмоқда.

Жорий йилнинг апрел ойига қадар туман электр тармоқлари корхонаси томонидан ДСИга реестрлар асосида жами 30608,9 минг сўмлик муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган 23 та корхона бўйхати тақдим этилган.

Ушбу корхоналарнинг мол-мулки ҳисобидан қарзларини ундириб олиш мақсади-


Чирок, ўчмасин десангиз...

да Давлат солиқ инспекцияси томонидан вилоят Хўжалик судига тегишли тартибда даъво аризалари киритилди. Натижада қарздор хўжалик юритувчи субъектлар сонини 12 тага, қарздорликни 16988,1 минг сўмга камайитиришга эришилди.

Шунингдек, киритилган тақдимномалар асосида туман прокуратураси саккиз нафар раҳбар ходимга огоҳлантириш бериб, туман электр тармоқлари корхо-

на тармоқлари корхонаси томонидан электр энергияни бериш давом эттирилган. Натижада эса корхонанинг муддати ўтган қарздорлик суммаси кўшимча 342 минг сўмга ошган. Шунингдек, «ТИКХМИИ» ўқув ишлаб чиқариш марказининг 4428,1 минг сўм муддати ўтган қарзлари бўлган. Бу ерда ҳам электр тармоғи ўз вақтида узиб қўйилмаганлиги оқибатида, қарз 178,1 минг сўмга ортган. Бундан ташқари, «Оқ олтин Трактор»

ISHONCH



4-10 июн

Душанба

4



Хурматли телетомошибилар! Профилактика муносабати билан душанба, 4 июн кунин О'zbekiston телерадиоканали уз курсатувларини соат 14.55 дан бошлайд...

«Болалар сайёраси»: 16.45 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».

02.40 «Шошмақом». Мусликий фильм. 03.45 «Хайт манзаралари».



6.55 Дастурнинг очилиши. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ».

20.10 «UzEX хабарлари». 20.15 «Оқшом кўнгираклари».




17.50 Курсатувлар тартиби. 17.55 Мультифильм: «Шумтақалар».



7.00 «Бодроме утро». 8.05 «Малахов+».

18.30 «Хабарлар» (рус. тилида). 18.50 Футбол шари.



4.00 Телеканал «Доброе утро». 8.00 Новости.




04.00 «Доброе утро, Россия!». 07.35 Детектив «Меченье».

13.00 «Вести». 13.20 «Местное время. Вести - Москва».



05.00 «Сегодня утром». 08.05 «Следствие вели...».



07.00 Победоносный голос. 07.30 М/ф.

08.30 М/ф «Аргай». 09.00 М/ф. 10.00 Х/ф «Спасите гориллу».



07.00 «Полиция будущего», 1 и 2 с. 07.45 М/ф «Аист».

Сешанба


5



5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

10.00 ТВ анонс. 10.05 «Одним зранием».

21.40 «Кышлок хэйти». 22.00 «Икки тақдир». Телесериал.




6.55 Дастурнинг очилиши. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ».

18.20 «Самарқанд - 2750 ёшда!». 18.25 «Сидат белгиси».




7.25 Курсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгираклар информ...



17.50 Курсатувлар тартиби. 17.55 Мультифильм: «Шумтақалар».

22.30 «Пойтахт» ахборот дастури/рус/.



4.00 Телеканал «Доброе утро». 8.00 Новости.



4.00 Телеканал «Доброе утро». 8.00 Новости.

0.25 Берт Ланкастер, Фрэнк Синатра в филь...




04.00 «Доброе утро, Россия!». 07.45 Д/ф «Кремлевские асы».



05.00 «Сегодня утром». 08.05 «Наше все!».

07.00 Победоносный голос. 07.30 М/ф.



08.00 М/ф «Приключения Марко и Джини».



07.00 «Полиция будущего», 1 и 2 с. 07.45 М/ф «Кораблик».

Чоршанба 6



5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

20.50 Дунё иқлими. 21.00 «Ахборот». 21.35 ТВ анонс. 21.40 «Шукрона».

6.55 Дастуринг очилиши. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ».

16.35 «Маргилон - 2000 ёшда!» 16.40 «Таълим ва таракқиёт».

7.25 Курсатувлар тартиби. 7.30 Салом, Тошкент! Кўнгличлар инфор- мацион мусикий дастури.

17.50 Курсатувлар тартиби. 17.55 Мультфильм: «Шумтакалар».

5.00 «Бодрое утро». 8.05 «Малахов +».

4.00 Телеканал «Доброе утро» 8.00 Новости

4.00 Телеканал «Доброе утро» 8.00 Новости

20.00 Время. 20.30 Премьера. Игорь Петренко в много- серийном фильме «Печорин».

04.00 «Доброе утро, Россия!» 07.45 Д/ф «Маршал Буденный. Конец ле- генды».

05.00 «Сегодня утром». 08.05 «Наше все!»

18.00 «Сегодня». 18.40 Т/с «Ментовские войны».

07.00 «Полиция будущего», 1 и 2 с. 07.45 М/ф «Мишка-задира».

02.35 Т/с «Возвращение Мухтара 2». 03.25 Т/с «МУР есть МУР 2».

Пайшанба 7



5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

20.10 «Ойла ришталари». Телесериал. 20.50 Дунё иқлими.

6.55 Дастуринг очилиши. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ».

17.10 «Чемпион сирлари». 17.30 «Муъжизавий дунё» туркуми: «Бола- ларга жониворлар ҳақида».

7.25 Курсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент! Кўнгличлар инфор- мацион мусикий дастури».

17.50 Курсатувлар тартиби. 17.55 Мультфильм: «Шумтакалар».

7.00 «Бодрое утро». 8.05 «Малахов +».

4.00 Телеканал «Доброе утро» 8.00 Новости

4.00 Телеканал «Доброе утро» 8.00 Новости

20.00 Время. 20.30 Премьера. Игорь Петренко в много- серийном фильме «Печорин».

04.00 «Доброе утро, Россия!» 07.45 Д/ф «Советская империя. Хрущевки».

05.00 «Сегодня утром». 08.05 «Наше все!»

18.00 «Сегодня». 18.40 Т/с «Ментовские войны».

07.00 «Полиция будущего», 1 и 2 с. 07.45 М/ф «На лесной эстраде».

02.35 Т/с «Возвращение Мухтара 2». 03.25 Т/с «МУР есть МУР 2».

Жума



5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

20.10 «Оила ришталари». Телесериал. 20.50 Дунё иклими. 21.00 «Ахборот».

YOSHLAR

6.55 Дастурнинг очилиши. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ».

16.55 «KINOMANIYA». 17.25 «Самарқанд - 2750 ёшда!» 17.30 «Мўъжизавий дунё» туркуми:



7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар информацион мусиқий дастур.

17.50 Кўрсатувлар тартиби. 17.55 «Афиша»/рус/. 18.05 «Телекуррьер-маркет».



7.00 «Бодрое утро». 8.05 «Малахов +». 9.00 «Хабарлар» (рус. тилида).

ПЕРВЫЙ


4.00 Телеканал «Доброе утро» 6.00 Новости 8.05 «Малахов +»



04.00 «Доброе утро, Россия!» 07.35 Д/ф «Вся Россия».

НТВ

05.00 «Сегодня утром». 08.05 «Наше все!» 09.00 «Сегодня».




08.00 М/ф «Приключения Марко и Джинны».

СТС

07.00 «Полиция будущего», 1 и 2 с. 07.45 М/ф «У страха глаза велики».

Шанба




5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

00.40-00.45 Тунги наволар. «Uzbekistan».

YOSHLAR

6.55 Дастурнинг очилиши. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ».

19.30 «Зверест». Интеллектуал ўйин. 20.10 «Ешлик наволари».



7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар информацион мусиқий дастур.


17.50 Кўрсатувлар тартиби. 17.55 «Афиша».



7.30 «Хабарлар» (Ўзб. тилида) 7.50 «Бодрое утро».

ПЕРВЫЙ


4.00 Телеканал «Доброе утро» 6.00 Новости 8.05 «Малахов +»



20.00 Время 20.25 Премьера, «Розыгрыш» 21.40 Что? Где? Когда?

НТВ

05.00 «Сегодня утром». 08.05 «Наше все!» 09.00 «Сегодня».




21.00 «Реальная политика». 21.40 Т/с «Бригада».

СТС

07.00 «Полиция будущего», 1 и 2 с. 07.45 М/ф «Кем быть?».

Якшанба

10




5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ анонс. 8.40 Олтин мерос. «Болалар сайёраси»: 8.50 «Фаройиб тўти «Полли». Болалар учун фильм. 10.15 ТВ анонс. 10.20 «Саломатлик сирлари» 10.40 «Оҳанрабо» 11.20 «Оила ришталари». Телесериал. 11.55 ТВ анонс. 12.00 «Сиз кутган учрашув» 12.40 «CINEMA.UZ» 13.05 «Биринчи рицарь». Бадий фильм. 1-қисм. 14.05 ТВ анонс. 14.15 «Биринчи рицарь». Бадий фильм. 2-қисм. 15.15 «Оддий хақиқатлар». Ток-шоу. «Болалар сайёраси»: 16.05 1. «Олтин тож». Телевизион ўйин. 2. «Нохот полвон». Мультфильм. 16.50 «Хамон ёдимда» 1-қисм. 17.10 ТВ анонс. 17.15 «Хамон ёдимда» 2-қисм. 17.35 «Тоҳир ва Зухра». Бадий фильм. 19.10 «Оҳанглар оғушида» 19.20 Дунё иқлими. 19.25, 20.00, 20.55, 21.40 ЭЪЛОНЛАР. 19.30 «Тахлилнома» (рус тилида) 20.05 «50/50». Ток-шоу. 20.50 Дунё иқлими. 21.00 «Тахлилнома». 21.45 ТВ анонс. 21.50 «Кўхна оҳанглар». 22.10 «Заковат». 23.10 «Худди ота-боладек». Бадий фильм. 00.30-00.40 Тунги наволар. «Uzbekistan» 00.40 Кўрсатувлар дастури. 00.45 ТВ анонс. 00.50 «Маргилон-2000». 00.55 Дунё иқлими. 01.00 «Тахлилнома». Информацион да- стур (рус) 01.30 Олтин мерос. 01.40 «Олтин тож». Телевизион ўйин. 02.15 «Халқ ўйинлари». 02.35 «Заковат». 03.35 «Кўхна оҳанглар». 03.55 Дунё иқлими. 04.00 «Тахлилнома». Информацион да- стур. 04.40 ТВ анонс. 04.45 Миллий кино: «Дока рўмолнинг қуриши». 2-қисм. 05.50-5.55 Тонги наволар.

YOSHLAR

6.55 Дастирунинг очилиши. 7.00 «Ы» операциеси ёки Шуркининг саргузаштлари». Кинокомедия. 8.30 «Болалар давраси». 9.00 «Якшанба нонушаси». 9.20 «Зерда». Сериал. 10.00 «ВАТАНПАРВАР». 11.00 «Journal». 11.20 «Дунё таомлари».

11.40 «Радиодан кўрсатамиз» 11.55 «ТВ-анонс». 12.00 Таътил тўхфаси: «Фантомас тал- васаси». 13.45 «Санъат усталари». Гани Аъзамов. 14.30 «Олтин девор». Телеспектакл. 16.20 «Чемпион сирлари». 16.40 «Ринг қироллари». 17.30 «Махлуқлар ширкати». Мульт- фильм. 18.50 «Болалар табассуми». 18.55 «Иклим». 19.00 «Давр ҳафта ичида». 19.30 «Ёшлик наволари». 19.50 «Сехри қўллар». 20.20 «Нихол» мукофоти совриндори Шарофиддин Муродов куйлайди. 20.50 «Эълонлар». 21.00 «KINOMANIYA». 21.30 Жаҳон киноси: «Афсунгар». 23.40 - 23.50 «Таскин».



7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар ин- формацион мусикий дастур. 8.30 «Анонс». 8.35 «Гвадалупе». Телесериал. 9.15 «Телекуръер - маркет». 9.35 «Афиша». 9.45 «Анонс». 9.50 «ТВ юрист». 9.55 Кино: «Фаройиб бола». 11.15 «Интервью». 11.25 «Истеъод». 11.40 «Анонс». 11.45 «Телекуръер-маркет». 12.05 Мультфильм: «Қирол Шер - 2». 13.25 «Мусика SMS». 13.45 «Анонс». 13.50 «ТВ юрист». 13.55 Кино: «Если свекровь монстр». 15.30 «Саргузаштлар ороли». 15.55 «Анонс». 16.00 Дни летних каникул: «Стюарт Литтл 2». 17.10 «Телекуръер - маркет». 17.30 Кино: «Севги фазоси». 19.00 «Анонс». 19.05 «Мулоҳаза учун мавзу». 19.35 «Жозоба». 20.00 «Туризм ҳақида/рус/». 20.30 «Анонс». 20.35 Воскресный кинозал: «Запах жен- щины». 23.05 - 23.10 «Хайрли тун, шахрим».



7.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида) 7.50 «Бодрое утро». 8.50 «Хабарлар» (рус тилида) 9.10 «Смак». 9.55 «Кувнок старлар». 10.35 «Рақибингиз гроссмейстр». 10.55 «Спорт клуб». 11.05 Теннис. Франция очик чемпио- нати. 12.05 «Аптека слушает». 12.55 «Королева бензоколонки». Худо- жественный фильм. 14.25 - 15.15 ПроФРИНГ. 18.00 Мультфильм.

18.10 «Халқ ўйинлари». 18.30 «Версия». Информационно-ана- литическая программа. 19.00 «Спорт уик-энд». 19.40 «Тайм-аут». 20.00 «Ровесник». 20.20 «Дув-дув гап». Шоу дастури. 21.30 «Талкин». Информацион-таҳли- лий кўрсатув. 22.00 Дела сердечные. «Идеальный мужчина». Художественный фильм. 23.35 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» - «Машъал». 00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПЕРВЫЙ

5.00 Новости 5.10 Елена Корикова, Леонид Курав- лев, Василий Лановой в романтиче- ской комедии «Барышня-крестьянка» 7.20 «Играй, гармонь любимая!» 8.00 «Здоровье» 8.40 «Слово пастыря» 9.00 Новости 9.10 «Смак» 9.55 «Зачем пережила тебя любовь моя...» 11.00 Новости (с субтитрами) 11.15 Премьера. «Ганнибал» 12.55 Надежда Румянцева в комедии «Королева бензоколонки» 14.25 Воскресный «Ералаш» 15.00 Футбол. Чемпионат России. «Спартак» (Москва) - «Спартак - Нальчик». Прямая трансляция 17.00 Вечерние новости (с субтитра- ми) 17.25 «Тото Кутуньо в кругу друзей» 20.00 Время 20.20 Суперфинал. «Король ринга». Прямая трансляция из Лужников 22.30 «Высшая лига» 23.50 Премьера. Джеки Чан в приклю- ченческом фильме «Медальон» 1.25 Стивен Сигал в приключенческом фильме «Ни жив ни мертв» 3.10 «Хрустальный мальчик». Докумен- тальный фильм 3.40 Сериал «Инстинкт убийцы»

РОССИЯ

05.00 Х/ф «Журавушка». 06.30 «Сельский час». 07.10 «Местное время. Вести - Моск- ва». 07.20 «Диалоги о животных». 07.55 М/ф «Пластиковая ворона». 08.05 «Вокруг света». 09.05 «Сам себе режиссер». 10.00 «Вести». 10.10 «Местное время. Вести - Моск- ва». 10.20 «Городок». 10.50 «Сто к одному». 11.45 «Смехопанорама». 12.15 «Парламентский час». 13.00 «Вести». 13.20 «Фитиль №136». 14.05 «Вести. Дежурная часть». 14.35 «Честный детектив». 15.05 Х/ф «Чудеса в Решетове». 17.10 Концерт «Измайловский парк». 19.00 «Вести недели». 20.00 Х/ф «Охота на пиранию». 23.20 Комедия «Дом Большой Мамоч- ки». (США - Германия). 01.20 Триллер «Спуск». (США). 03.15 Т/с «Доктор Вегас». (США). 04.00 Канал «Евроньюс».

НТВ 04.20 Комедия «Берегите женщин». 06.30 М/ф «Русалочка». 07.00 «Сегодня». 07.15 Лотерея «Русское лото». 07.40 «Дикий мир». 08.05 «Счастливый рейс». 09.00 «Сегодня». 09.20 «Едим дома!» 09.55 «Их нравы». 10.30 «Авиаторы». 11.05 «Тор веаг». 11.40 «Чрезвычайное происшествие. Об- зор за неделю». 12.00 «Сегодня». 12.25 «Москва-Ялта-трансит». Фестиваль юмора. 14.25 Д/с «Победившие смерть». 15.00 «Сегодня». 15.20 «Один день. Новая версия». 16.00 «Своя игра». 16.55 Т/с «Кодекс чести 2». 18.00 «Сегодня. Итоговая программа». 18.50 «Чистосердечное признание». 19.20 «Чрезвычайное происшествие. Об- зор за неделю». 19.55 «Главный герой». 21.00 «Воскресный вечер с В. Соловье- вым». 22.05 Х/ф «Рим». (США). 00.15 Боевик «Робот-полицейский 3». (США). 02.20 «Криминальная Россия». 03.15 Х/ф «Могучий ветер». (США).

ТВ-3

07.00 М/ф. 07.30 Жизнь, полная радости. 08.00 М/ф. 10.00 Х/ф «Добро пожаловать, или По- сторонним вход воспрещен». 11.30 Х/ф «Узник замка Иф». (Франция - Россия). 16.45 Х/ф «Адаптация». (США). 19.00 Киноманья. 20.00 Х/ф «Дикие коты». (США). 22.15 Х/ф «Семистель». 00.00 Т/с «Сумеречная зона», 10 с.

01.00 Х/ф «Что скрывает Лох-Несс». (США). 03.00 Х/ф «Восставшие из мертвых». (Австралия). 05.00 Т/с «Шлинка 3», 9 с. 06.00 Муз.Релакс.

СТС

07.00 Х/ф «Юный лорд Фонтлерой». 08.40 М/ф «Мойдодыр». 08.55 М/с «Итси-Битси паучок». 09.20 М/с «Смешарики». 09.30 М/с «Просто Норман». 10.00 Улица Сезам. 10.30 М/с «Секретные материалы псов- шников».

11.00 Х/ф «Мадлен». 13.00 Х/ф «Индеец в шкафу». 15.00 «Снимите это немедленно». 16.00 «Свадебный переполох». 17.00 «Истории в деталях». 17.30 «6 кадров». 17.45 Т/с «Надежда уходит последней». 22.00 Х/ф «Принцесса спеший». 00.00 «Хорошие шутки». 02.00 «Кинотавр» в деталях. 02.55 Х/ф «Изоляция». 04.30 Х/ф «Соединенные Штаты Ли- ланды». 06.15 Музыка на СТС.

Информационно аналитический отдел компании «GENEROUS» предлагает Электронная Версия (База) нормативных документов «Охрана труда и техника безопасности» - ОТТБ Тел: 144-25-63 Факс: 144-84-81 E-mail: info@fiml.uz Web-site: www.fiml.uz

ОКНА ДВЕРИ ВИТРАЖИ Профили из мировых производителей АКФА и VERATEC В КРЕДИТ 50% Условия кредита по тел: 144-10-10, 701-60-60 272-05-91 103-62-17 119-62-47 144-51-33 110-62-17 157-62-17 144-95-34 111-62-17 159-62-17 Факс: (9971) 144-84-81 E-mail: info@fiml.uz Web-site: www.fiml.uz

«KAFOLAT RIELT» МЧЖ 2007 йилнинг 5 ва 12 июл кунлари «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида соат 12.00 да аукцион савдоларини ўтказди. Аукцион савдосига қуйидаги мулк қўйилмоқда Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй манзил- да жойлашган «Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал бир- жа маркази» МЧЖга тегишли 2003 йилда ишлаб чиқарилган ва давлат рақами 10АС167 бўлган «Тико» суммили автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 1 102 249 сўм. Савдодан қатнашиш учун харидорлар объект бошлангич баҳосининг 10 фоиз микдорига гаров пули тўлашлари шарт. Савдодан иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закат қабул қилиш савдо- дан бир кун олдин тўхтатилади. Шунингдек, ушбу мулк белгиланган савдо кунидан сотилмаган тақдирда, ҳар ҳафтанинг пайшанба куни қай- тадан аукцион савдоларига қўйилиши мумкинлигини маълум қиламиз. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефон: 138-69-93

TV-MARKAZ

Душанба 4

07.00 «Премьера» (узб) 07.30 Узбек наволари 08.00 «Премьера» (рус) 08.30 «Сайилгоҳ» 08.45 Мировые хиты 09.00 Узбек наволари 10.00 «Сунмас орзулар» 10.50 Узбек наволари 11.00 «Призрачный гон- щик» худ.фильм 13.00 Мировые хиты 13.30 «Миссия неповто- рима» 14.00 Узбек наволари 15.00 Теленяня 15.45 Мировые хиты 16.30 Узбек наволари 17.00 «Навбат» Рашид Холиков билан 17.40 Узбек наволари 18.00 «Премьера» (узб) 18.30 «Кулинар фантази- ялари» 19.00 «Премьера» (рус) 19.30 Сериал «ВА-БАНК» 5-серия 20.40 Мировые хиты 21.00 Узбек наволари 22.00 Комедия по поне- дельникам «ПОЛИЦЕЙСКИЙ ИЗ БЕ- ВЕРЛИ-ХИЛЗ» худ.фильм 00.00 Миксер

Сешанба 5

07.00 Узбек наволари 08.00 Марказ NEWS (узб) 08.10 Мировые хиты 09.00 Сериал «Ва-банк» 5-серия 10.10 «Премьера» (узб) 10.40 Узбек наволари 11.00 «Полицейский из Бевебли Хилз» худ.фильм 13.00 «Юлдузли пайшан- ба» 13.30 Узбек наволари 14.00 Марказ NEWS (рус) 14.10 Мировые хиты 14.30 Узбек наволари 15.00 Теленяня 15.45 Мировые хиты 16.15 Узбек наволари 17.00 «Топ-20» 17.45 Узбек наволари 18.00 Марказ NEWS (узб) 18.10 Узбек наволари 19.00 Сериал «ВА-БАНК» 6-серия 20.10 «Сайилгоҳ» 20.25 Узбек наволари 21.00 «Великолепная се- мёрка» 21.30 Узбек наволари 22.00 Киноколлекция «КЛЕОПАТРА» 1-серия 00.00 Миксер

Чоршанба 6

07.00 Узбек наволари 07.30 «Премьера» (рус) 08.00 Марказ NEWS (рус) 08.10 «Навбат» Рашид Холиков билан 08.50 Узбек наволари 09.00 Сериал «Ва-банк» 6-серия 10.10 Мировые хиты 10.30 Узбек наволари 11.00 «Вспомнить всё» худ.фильм 13.00 Узбек наволари 14.00 Марказ NEWS (узб) 14.10 Узбек наволари 15.00 Теленяня 15.45 Мировые хиты 16.00 «Сайилгоҳ» 16.15 Мировые хиты 17.00 Узбек наволари 18.00 Марказ NEWS (рус) 18.10 «Кулинар фантази- ялари» 18.40 Узбек наволари 19.00 Сериал «ВА-БАНК» 7-серия 20.10 Узбек наволари 21.00 «Миссия неповто- рима» 21.30 Узбек наволари 22.00 Киноколлекция «КЛЕОПАТРА» 2-серия 00.20 Миксер

Пайшанба 7

07.00 Узбек наволари 08.00 Марказ NEWS (узб)

08.10 «Сайилгоҳ» 08.25 Мировые хиты 09.00 Сериал «Ва-банк» 7-серия 10.10 Узбек наволари 11.00 «Клеопатра» худ- фильм 1-серия 13.20 Узбек наволари 14.00 Марказ NEWS (рус) 14.10 Мировые хиты 14.30 Узбек наволари 15.00 Теленяня 15.45 Мировые хиты 16.00 Узбек наволари 17.00 «Великолепная се- мёрка» 17.30 Мировые хиты 18.00 Марказ NEWS (узб) 18.10 Мировые хиты 19.00 Сериал «ВА-БАНК» 8-серия 20.10 «Махсус репор- таж» 20.30 Узбек наволари 21.00 «Юлдузли пайшан- ба» 21.30 «Премьера» (узб) 22.00 Киноколлекция «КЛЕОПАТРА» 2-серия 00.20 Миксер

Жума 8

07.00 Узбек наволари 08.00 Марказ NEWS (рус) 08.10 «Топ-20» 09.00 Сериал «Ва-банк» 8-серия 10.10 Узбек наволари 11.00 «Клеопатра» худ- фильм 2-серия

13.20 Узбек наволари 14.00 Марказ NEWS (узб) 14.10 Мировые хиты 14.30 Узбек наволари 15.00 Теленяня 15.45 Мировые хиты 16.30 Узбек наволари 18.00 Марказ NEWS (рус) 18.10 Узбек наволари 18.30 «Сайилгоҳ» 18.45 Мировые хиты 19.00 Узбек наволари 20.00 «Сунмас орзулар» 20.50 Узбек наволари 21.00 «Кинокуръер» 21.30 «Премьера» (рус) 22.00 «ПРИНЦЕССА СПЕ- ЦИЙ» худ.фильм 23.45 Миксер

Шанба 9

07.00 Узбек наволари 08.00 Марказ NEWS (узб) 08.10 Узбек наволари 09.00 Мировые хиты 09.30 «Кинокуръер» 10.00 «Сайилгоҳ» 10.15 Узбек наволари 11.00 «Принцесса спе- щий» бадий фильм 12.45 Мировые хиты 13.30 Узбек наволари 14.00 «Премьера» (узб) 14.30 Мировые хиты 15.00 Теленяня 16.20 Мировые хиты 17.00 «Махсус репортаж» 17.20 Узбек наволари 18.00 Марказ NEWS (рус)

18.10 Узбек наволари 18.30 «Алло-Марказ» 19.30 Узбек наволари 21.00 «Навбат» Рашид Хо- ликов билан 21.40 Узбек наволари 22.00 «КАРИБ ДЕНГИЗИНИНГ КАРОКЧИЛАРИ-2» бадий фильм 00.30 Миксер

Якшанба 10

07.00 Узбек наволари 08.00 Марказ NEWS (рус) 08.10 Мировые хиты 08.30 Узбек наволари 10.00 «Сунмас орзулар» 11.00 «Кариб денгизининг карокчилари-2» бадий фильм 14.30 Узбек наволари 15.00 Теленяня 16.20 Узбек наволари 16.30 «Премьера» (рус) 17.00 Узбек наволари 17.30 «Юлдузли пайшанба» 18.00 Марказ NEWS (узб) 18.10 Узбек наволари 18.30 «Сайилгоҳ» 18.45 Мировые хиты 19.00 Узбек наволари 20.00 «Алло-Марказ» 21.00 «Топ-20» 21.45 Мировые хиты 22.00 «ЭРАГОН» худ.фильм 23.45 Миксер

Теледастурлар «САДО» МЧЖ дан олинди

Бу бўстон саҳнида гул кўп, таман кўп...

 Ёғду сочай дедим,
 дилни шаъм қилдим.
 Токдай чирмашганга
 сўри бўлдим
 ва лекин хушёрлик
 шўри бўлмадим.

Бағримни кенг қилдим,
 ақлим жам қилдим.
 Чертганга кўнглининг
 тори бўлдим
 ва лекин ман кўнгли
 тори бўлмадим.

Гоҳ куздай саргайиб,
 кўзни нам қилдим.
 Ман ҳам бир гулзорнинг
 зори бўлдим
 ва лекин ҳамёни
 зўри бўлмадим.

Эрк учун сайёдни
 ҳурмат ҳам қилдим.
 Елкамда тутдим, уй
 тўри бўлдим
 ва лекин қуш тутган
 тўри бўлмадим.


Баъзан Курбон ўқиб
 тонгни шом қилдим.
 Эридим, тоғларнинг
 қори бўлдим
 ва лекин нури йўқ
 қори бўлмадим.

Битта том қилмадим,
 сўзни том қилдим.
 Меҳр ниҳолининг
 бори бўлдим
 ва лекин макони
 бори бўлмадим.

Кам ман оғу қилдим,
 кўп малҳам қилдим.
 Жароҳат етганга
 дори бўлдим
 ва лекин осилган
 дори бўлмадим.

Кам ман хуррам бўлдим,
 кўп ман ғам қилдим.
 Эзилдим,
 толибнинг бўри бўлдим
 ва лекин оғзи қон
 бўри бўлмадим.

Довуд МАХДИЙ



МЕЗОНДАГИ КАЙФИЯТ

Сунбулани совутиб ишқдан,
 Уфлаб боққа совуқ нафасин,
 Кириб келди мезон бўшлиқдай
 Хунук ёйиб ёмон шарпасин.

Кўнгли бунда адашиб сарсон
 Излар туйғу — ходимларини.
 О, нимани ўлчайсан, мезон?!
 Хижроннинг зил одимларинми?

Кўз ёш ила шалаббо дилгир
 Бир палланга кўй кайфиятим.
 Торт, ўлчайвер, бунда-да ортиқ
 Молни ўлчаш бўлса ниятинг.

Сарғаяди руҳимга менгзаб
 Сахий — дала, боғлар — муштипар.
 Акбарнинг шум элчиси кезиб,
 Бошим узра ташлаб ўтар пар.

Патқаламлар ясайман ундан,
 Заҳирага қаломлар топ, Тил!
 Видоларни куйлаш-чун тунда
 Сиёҳдонга айланар соф дил!

Эрпўлат БАХТ

НОЗЛИ ГУЛИМ

Нозли гулим, юз очганинг чаман бўлди,
 Ифоринга дайди ёллар ватан бўлди.
 Шаббодалар ўғирлаган ҳар япроғинг,
 Менинг ғариб ишқим учун кафан бўлди.

Ўз кўнглимда сендан лаҳза кўз олмадим,
 Аммо дайди шамолларни тўсолмадим.
 Тонгдан тоза нигоҳингни асрагани
 Кўзларингда киприк бўлиб ўсолмадим.

Энди гавҳар садафидан узилади,
 Кипригингда маржон бўлиб тизилади.
 Инсонга ё бахт, ё хусн берар экан,
 Чиройингда боқсам жоним эзилади.

Кўнглим куяр армон билан ғам доғида,
 Поён борми бу қисматнинг қийноғида?!
 Юрак доғим ўртар мени қабримда ҳам
 Бўй кўрсатиб қизғалдоқнинг япроғида.

Шаббодалар, аҳволимни билиб кетинг,
 Мен ўтганда қабримга бир келиб кетинг.
 Титраб яна ўтмишимни эслатмасин,
 Қизғалдоғим япроғини юлиб кетинг.

Азизбек АНВАР

 Мен кўнгли сўровдим...
 Қорайди булут.
 Кўз ёшларин
 Заминга тўкиб.

Мен кўнгли сўровдим...
 Музлади сукут.
 Қорлар эриб кетди,
 Тоғлар кўкариб.

Мен кўнгли сўровдим...
 Боқди жилмайиб,
 Юлдузлар жон олар
 Кўзларин очиб.

Мен кўнгли сўровдим...
 Муҳаббат ийиб,
 Бахтнинг куйлагини
 Тикди энтикиб.

Мен кўнгли сўровдим...
 Ногаҳон сендан.
 Мендек кўнглинг ётибди
 Кўксингга ботиб...

 Гуноҳ қилган келинчак мисол
 Бошини эгар олча дарахти.
 Хаёл сураб, индамайди у,
 Ўғриларга талланган каби.
 Бўй етмаса, чиқиб шохига
 Синдиришган тик қоматини.
 Бировларнинг гуноҳи учун
 Тазъим қилар эгиб бошини.

Адиба ХАМРО

Жонимга кетяпсан жойланиб



Юнус АБДУЛЛАЕВ асл касби ҳуқуқшунос
 бўлса-да, кўнгли шеърга ошно инсон. Унинг
 машқларида ҳароратга тўла қалб акс этиб
 туради. Туйғулар сўзлар қанотида янада
 гўзаллашиб, ўқувчисига завқ улашади.
 Куйидаги шеърларни ўқиб ўзингиз ҳам
 бунга амин бўлишингизга ишонамиз.

«Ўлим бошинг тақ этиб тегадиган
 девор эмас, ўлим бу янги ҳаёт учун
 очилаётган дарвозадир».
 В.Гюго

Кўй куйинма, Сен ҳам қариндош,
 Мен шундайин захар ва заққум.
 Сен эринмай тўқаркан кўз ёш,
 Мени эса элитар уйқум).

Нолиш асли шаккокликдир бил,
 Қил устида турар ҳавога.
 Бир Ҳаққа мен кулман, ахир кул
 Очилмоқда кулга дарвоза...

Биргина Сен қолдинг суянчик,
 Омадсиз тақдирга бойланиб.
 Кунлар ўтиб, Сан маним санчик,
 Жонимга кетяпсан жойланиб.

Аслида сен керак шу онда,
 Кўз ёшми, қурашми эҳтимол?
 Ахир Сен борсан-ку бу жонда,
 Яшаш мумкин, демак бемалол...

ХАЁЛ

Тонг менга деб тикади кўйлак,
 Тунда юлдуз беради безак,
 Сочимга гул тақар капалак,
 Энг покиза хаёлларимда.
 Осмонларга учиши мумкин,
 Оймомони қучиши мумкин,
 Бир дам дунё кезиши мумкин,
 Тутқич бермас хаёл оти-ла.
 Қушлар билан сўзлаши мумкин,
 Гулдан чирой сўраши мумкин,
 Қалдирғоч-ла ўйнаши мумкин.
 Энг ғаройиб хаёл боғида.
 Баҳор билан қўл ушлашиб,
 Дала-қирга гуллар улашиб,
 Шалолдек қайнаб ҳам тошиб,
 Тахайюлнинг дунёсида.
 Хаёл гўё жиловланган от,
 Гар бўшатсанг ёзади қанот,
 Шамолдан-да ўзиб учади,
 Сени бирга олиб қочади.

Нилуфар АННАЕВА



 Бахт, сени ёз деди, қайноқ кум,
 Бир сайр эт, кел, менинг қафтимда.
 Шунчалик иссиқсан — қўл куйиб,
 Мен эриб кетяпман тафтингда.

Бахт, сени баҳорлар чорлади,
 Гулларга яшадинг бурканиб.
 На кулдим, на бахтим порлади.
 Сен эса толмадинг суйкалиб.

Бахт, сени қиш деди — қор босган,
 Минг хил ранг товланар кўзингда.
 Бир ўпай, ҳар нега розиман,
 Лабларим музласин юзингда.

НУРИДДИН



 Ёруғ эмас аслида олам,
 Алдаётир нодон кўзларим.
 Тескаридир кўп ишлари ҳам —
 Боқ-чи, ким дўст,
 кимдир ул ганим.

Сен ҳам алдаб келдинг, маликам,
 Тўлишмади ўн тўрт кунлик ой.
 Сигмай қолгач, дунёга бир кам,
 Юрагингдан ахтаряпман жой...

 Боқмадим тақдирнинг афтига
 Энди сенинг исёнинг бир пул.
 Ёлғон ишқнинг, ёлғон тафтига,
 Исинишдан зерикдим буткул.

Бас, бошқа ҳеч тиламам сабр,
 Портлаб кетсин лаънати бардош.
 Қалбим худди эскирган қабр —
 Сағанасин емирман кўз ёш.

Нечун бунча совуқ ўхшатиш,
 Бор-йўғидан айрилган мисол.
 Куриб кетсин ёлғондан ёниш —
 Ва оғуши музлаган висол...

Юнус АБДУЛЛАЕВ,
 Фарғона вилоят Адлия
 бошқармаси бўлим мудир

 Соғинч нима ўзи — тул қолган келин,
 Ранглари саргайган сабрмикан, ё...
 Ҳилолнинг юзига тўр ташлаб, кейин
 Шаррос йиғлаётган абрмикан ё.

Армон нима ўзи — ушалмаган бахт,
 Киприкларда қотиб қолган орзуми?
 Ва ё тўрт томони ҳашаматли тахт
 Оша узатилган ширин оғуми?

Висол нима ўзи — икки дил рози,
 Бир-бирига ташна лаблар шивири.
 Ким ҳам журъат этар бўлмоққа қози,
 Бири ҳоқон эрур, малика бири.

Бахт-чи, бахт нимадир кўҳна очунда,
 Ғам-ғуссасиз яшаш, шу ўзи басми?
 Қувониб уйғонмоқ тонгда, хоҳ тунда,
 Бахтиёр кулгуси боласин, хасмин.

Ким ҳам истамайди бахтли бўлишни,
 Номанълум, не асрар бизларга олам.
 Ўзгалар бахтидан бахтин кўришни
 Одат қилса агар, бахтлидир одам.

Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ

ТҮРТЛИК

Эгилмасди бу бошим, мағрур эдим қанчалар,
 Тўкайму энди ёшим, паст бўлдимми шунчалар.
 Осмон эдим ер бўлдим, қонли ёшдан кўр бўлдим,
 Синар яна бардошим, бераҳм қиз бунчалар...

ФАРД

Ки хижрони ёқиб дилни, ғам оташи ёмон эрур,
 Юрак ёро пайконидин, ул шоҳ қоши камон эрур.

 Гарчи «Нух тўфони» келса, чорасин топғайман аммо,
 Нечук ишқ тўфонидин — бош омон этмоқ муаммо.

Камолитдин ЭРГАШЕВ

СЕВГИ МЕҲРИ

Айтилмайди ҳамиша гаплар,
 Муҳаббатим пинҳон қолади.
 Юрагимни ёндирган дардлар,
 Умрим бўйи ўчмай ёнади.

Тошлар тўзиб кул бўлиб кетар,
 Қаҳрабодек юракда севги.
 Соф, беғубор доим туйғулар,
 Куртак очар умидвор меҳри.

Дўстмурод ҲАҚНАЗАРОВ

(Боши ўтган сонларда)

«**М**» охири тасодифан кўришиб қолишса, саломалиқдан нарига ўтмасди. Солиҳа «висолхона»га келишдан қатъиян бош тортгандан сўнг Бекмирза у ердан ҳам оёғини узди. Бир-икки қарра Солиҳанинг ишхонасига бориб у билан кўришди, аммо назарида жувон ортиқча рўйхуш бермагандек туюлди-да, бошқа бирон-бир жойда учрашиш ҳақида гап очишдан ўзини тийди. Лекин кунда-кунора кўнғирок қилиб аҳолидан хабар олиб турарди. От парвариши хусусида билагонлардан маслаҳатлар олиб, астойдил ишга киришиб кетди. Секин-аста от минининг ҳам ҳавосини ола бошлади. Баҳорга чиқиб, тузуккина чавандозга айланди...

Илк баҳор кунларидан бирида кечки пайт Тоҳир отасининг хузурига кирди.

— Дада... — У оғирлигини у оёғидан бу оёғига солиб, негадир узоқ тараддулданди, — бир гап... Маслаҳат бор эди...

— Хўш? Гапиравер!
— Сиз... Анчадан буён «бизнесимиз» аҳолидан беҳабарсиз... Аммо, ишлар яхши эмас...

— Менимча ҳаммаси жойида шекилли!

— Сиз... Беҳабарсиз... Аслида онам кўймади, Севара дод деб туриб олди. Сизнинг улушнинг савдога аралаштирганимиз йўқ! Натияжада...

Бекмирза донг қотиб қолди. Сўнг бир-икки ютиниб, ўзини босди. Бир пас хаёлларини йиғиб, жим турди.

— Демак... кейинги бир йил ичида менинг улушим савдога аралашмади...

— Ҳа, аммо, банкда тургани учун маблағингиз анча кўпайган...

Тоҳир ҳамон хижолат ичида, нима қиларини билмай турарди... Ҳа, чиндан ҳам бу Моҳигул билан Севаранинг иши, Тоҳирнинг бу четлатишга алоқаси йўқ, аммо индамай туриб онаси билан синглисига шерик бўлган.

— Хўш, энди нима қилиш керак! Хўп, аралаштирмасан... Билганини қилсин! Мендан нима истайсан?

— Озгина харажат чиқиб қолди... У ёқ-бу ёқни йиғиштирдик, барибир уч-тўрт миллион сўм етмаяпти... Шунга...

— Хўш?!

— Отни сотмоқчимиз!
Бекмирза бирпас серрайиб турди-да кейин қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Энди... шунга ўйлаб топишибдими? Майли, сотинглари! Қарши эмасман!

Тоҳир бундай шартаки жавобни кутмаган эди, бирдан тарвузи кўлтигидан тушди. У ҳам Моҳигул, Севара қатори дадасининг жаҳли ўйнаб кетиши, бақир-чақир, навбатдаги тўс-тўполонни кутган, шунга яраша ҳозирлик кўрган эди. Иккинчи қаватдаги тўртта хонанинг учтасини эгаллаган Севаранинг эшиги очик, афтидан вағир-вуғур бошланса, чопиб кириш мақсадида у ҳам тайёргарлик кўриб турган, пастда нафасини ичига ютиб кутаётган Моҳигул ҳам жанжал бошланиши билан тепага югуришга шай эди. Тоҳир яна бир зум тараддулданди, кейин оҳиста:

— Дада, — деди. — Биламан, отга анча ўрганиб қолдингиз... Яхшиси, ўша пулни сизнинг ҳисобингиздан олиб кўяқолайлик, от эса қонуний тарзда сизга ўтади.

— Ҳа, ўғлим-а, ўғлим-а! Майли, билганини қил! Ҳозир десанг, ҳозир ўтказиб бераман, менга фарқи йўқ. Эртага бозорни кўр, отинг савдода қан-

чага кирадиган бўлса, ўша микдорни пул ўтказиш ҳисобига айлантири-да, менга кел, ўтказиб бераман!

Ўша кундан бошлаб ота ва хонадоннинг иккинчи қисми бири-бири билан мутлақо бегоналашиб кетганлигини ҳамма тан олди...

Орадан анча вақт ўтиб, ёнган гулханлар ўчди, кулга айланди... Моҳигулнинг қалбида кўзгалган ўта кучли нафрат, алам, газаб олови ҳам вақт ўтган сари пасая бошлади. Бунинг устига оловни кучайтирадиган, ҳеч бўлмаса бир маромда ёниб туришини таъминлайдиган жиддий воқеа ҳам рўй бермади.

От масаласининг эса бирдан ёрилган пуфакдай дами чиқиб кетди. Узун қулоқ гапларга қараганда Бекмирза билан Солиҳанинг муносабатлари совуқлашган, ҳозир ҳатто кўришишмас ҳам эканлар... «Нима бўлганда ҳам болаларимнинг отаси, нева-

бўлди ўзи! Аразласам, хафа бўлсам менга ярашади! Лекин, бирор нарса дедимми? Бир оғиз узр сўрар дейман... «Қизишиб кетибман, айб менда!» деган каломингизни мана бир йилдан бери кутаман! Қанақа эркаксиз! Узр сўра деб чиққанам ҳам йўқ! Гап шундаки, Тоҳирнинг ўғли бу йил мактабга боради. Ҳали суннат қилингани йўқ! Шунинг маслаҳатига чиқдик! Нима дейсиз?

Бу Бекмирзанинг хаёлида ҳам йўқ гап эди. У бирдан булутлар орасидан ерга тушди. Дарҳақиқат, шундай-ку! Ахир, Бекмирза қанча-қанча ўртоқларининг нева-ра тўйларига қатнашди, еб-ичди, ўйнаб-кулди. Ўзига ҳам навбат аллақачон келган...

— Тўғри, — дея анчадан кейин бошини кўтарди у. — Сен ҳақсан. Моҳи... Айб менда... Мана, ўғлим олдида сендан кечирим сўрайман... Иккинчидан... Аҳолимни биласан... Мен... Оила учун тамом бўлган одам-

— Солиҳа! — деди у бир куни телефонда. — Келинг, кўйинг шу аразларни! Ахир шаръан қонуний хотинимсиз! Бошқа жой олдим, ўша ерда бирга яшайверайлик! Ўғлингизни ўз ўғлимдай ўстираман... Онангиз ҳам анчагина ўрганиб қолдилар шекилли энди...

Солиҳа узоқ ўйланиб қолди. Сўнг:

— Бу телефонда ҳал этиладиган масала эмас, Бекмирза ака, — деди. — Лекин гаплашганимда ҳам айтадиган фикрим қатъий: мен аямни ташлаб ҳеч қабъқа кетмайман!

Бекмирзанинг тарвузи кўлтигидан тушди.

У тонг қоронғисига ўрнидан турди. Пастки қаватдаги хоналарда чироқ ёқилган, афтидан, Моҳигул намоз ўқишга ўтирди шекилли. Кейинги бир йил ичида бу аёл диний маросимларни тўла-тўқис бажаришга киришган, келаси йили Ҳаж сафари-

ди. Бунинг устига узун-қулоқ гапларга қараганда, синглисининг қайноғаси Солиҳага харидор эмиш. Олий ўқув юртининг кўзга кўринган домлаларидан бири, бадавлат, бекаму кўст, бева одам... Солиҳанинг кундан-кунга бегонасираб, олислаб бориши замирида шу илинж ҳам ётмаяптимикиан? Бироқ шу ерга келганда Бекмирза беихтиёр истигфор айтади: йўқ, Солиҳа ҳеч қачон бундай айёрона, зимдан, кимлар биландир келишиб олиб иш қиладиган аёл эмас! Агар муносабат ҳосил бўлса, у очик айтарди! Ахир, қанча синовлардан ўтди бу севги!

Афтидан ўша Севара билан телефонда бўлган даҳанаки жангда кизи бир нималар дея Солиҳанинг кўнглини чил-парчин қилган... Лекин нима деган у? Солиҳа бу ҳақда оғиз ҳам очмаяпти...

Бекмирза юқорига, ўз хонасига қайтиб кирди-да, Солиҳага кўнғирок қилди. Ҳар галгидай гўшакни онаси олди. Ҳар галгидай Бекмирза яна ўзини йўқотди. У кампир билан гаплашишни ёқтирмас, зеро, бу кекса аёлнинг кўёвга нисбатан нафрати ҳамиша, ҳар бир сўзи ва ҳаракатида намён эди.

— Саломалайкум! Яхшимисизлар? Соғлиқларингиз? Узр, жуда зарур бўлиб қолдилар... Солиҳахон...

Кампир миқ ҳам этмади. Гўшакни аппарат ёнига кўйиб, афтидан Солиҳанинг хонасига қараб кетди. Ҳа, майли, шуни-сига ҳам шукур... Қаргаб, гўшакни жойига «шилқ» этиб кўйганида нима бўларди?

— Алло! Бекмирза ака! Салом, яхшимисиз? — Бекмирзанинг томирларида гўё қотиб қолган қон яна юришиб кетди, баданига ширин титроқ кирди.

— Солиҳа... — дея кўзларидан ёш оқиб кетди унинг! — Соғиндим... Жудаям соғиндим... Сизсиз ўлиб қоламан... Ўлиб қоламан, Солиҳа! Нима бўлди ўзи? Нима қилдим мен? Нима гуноҳ қилдим, ахир? Сизсиз ҳаёт йўқ, менга... Ҳаёт — бу фақат сиз! Жоним, жаҳоним менинг...

— Бекмирза ака... — у ёқда афтидан Солиҳа ҳам йиғларди. — Кўйинг, кийналманг... Мени ҳам қийнаманг... Биз учун... келажак йўқ, ахир... Тушунинг бунга... Жуда кеч учрашдик. Ўғлим катта бўлиб қолди. Онам бир нарсалар деганим. Мендан жуда аразлаган. Энди... қолган ҳаётимни шунга бағишлайман шекилли.

— Ундай деманг, Солиҳа! Ундай деманг, ахир.

— Менга унинг олдида жуда ноқулай... Ўн еттига тўляпти... Кўзларига қаролмайман.

Солиҳа хайрлашмай гўшакни жойига кўйиб қўйди.

Бекмирза бир муддат шамдай қотиб турди. Кейин гўшакни жойига қўйди-да, кийиниб ташқарига йўналди. Шоша-пиша отхонага кирди-ю, қорабайирни эгарлаб, минганича дарвозадан кўчага чиқиб кетди. От тақир-туқурини эшитиб, Моҳигул жойнамоздан бош кўтарди-да, юзига фотиҳа тортиб ташқарига чиқди.

— Тоҳир! Отанг бир ёққа кетдими?

— Билмадим... Тўсатдан шошилиб, жўнаб қолдилар...

— Ҳа, бахайр бўлсин, бахайр бўлсин...

Кечкурун Моҳигулнинг безовталиги яна кучайди. Унинг иккинчи қавати, Бекмирзанинг хонасига уч-тўрт бор чиқиб тушди: гўё у кўрмай қолиб, эри тепага чиқиб кетгандай... Қоронғи тушди, шом, хуфтон бўлди...

(Давоми бор)



раларимнинг бобоси, неча йиллар бирга яшадик... Бу... ахлатни қайси эркак емабди! Ҳар бир одамда шунақа... айниш даври бўлади, дейишади... Урган бўлса... ургандир! Хотинига қўл кўтармаган эркак зоти жуда кам бўлса керак ўзи...» Моҳигул шундай ўйлар гирдобидида қийналар, аммо эрига яқинлашишга асло журъат эта олмасди. Ахир, дунёда энг тузалиши мушкул нарса қалб билан қалб орасидаги бузилган кўприқдир, дея бежиз айтишмаган...

Ниҳоят, ўртадаги муносабатларни тиклаш, ҳеч бўлмаса гаплашиб олиш учун баҳона ҳам топилди. Тоҳирнинг кичик ўғли бу йил кузда мактабга бориши керак, лекин ҳали суннат қилинмаган эди. Она-ўғил бу хусусда аввал ўзаро обдон маслаҳатлашиб олишди. Севарани ҳам хабардор қилишди.

— Дадам... — дея шундан сўнг саволомуз ва хижолат аралаш аясига термулди ўғил.

— Қани, юр-чи... — кутилмаганда ўрнидан кўзгалди Моҳигул. — Хабардор қилмасак, маслаҳат солмасак уят бўлади. Севара, сен қол, ҳозирча кирмай тура тур.

Эшикдан узун-қисқа бўлиб кириб келган она-ўғилни кўргач, Бекмирзанинг кайфияти бузилди. «Яна бир балони бошлади булар!» Телевизор кўриб ёнбошлаб ётган эди, ўрнидан истаристамас кўзгалди. Стол атрофида жойлашиб, фотиҳа ўқишди. Бекмирза столдан бошини кўтармай ўтираверди.

— Дада, бир маслаҳатли иш бор...

— Гапиравер!

— Ҳой, инсон! — бирдан тутақди Моҳигул. — Сизга нима

ман. Бунда сизларнинг заррача айбингиз йўқ... Ҳаммаси ўзимдан!

У анча муддат жимиб қолди. Она-ўғил ҳам сукут сақлашди.

— Неваранинг тўйи ҳақида яхши ўйлабсизлар... Аммо ҳали хиёл эртамикан?... Ёгин-сочинли кунлар ўтиб, мева-чева пишса... Июн, июл ойларида яхшироқ бўлармиди? Бир чиройли тўй қилардик...

Шу фикр ҳаммага маъқул келди. Эртасига Севара ҳам дадасига салом берди. Неваралар илгаригидай бободан хуркмай кўйишди. Уч-тўрт кун ўтиб Тоҳир яна дадасининг олдида кирди.

— «Боржоми»ни ичадиган одамлар кўплигини биласиз, дада. Баъзан Москвадан атайлаб ҳавасга уч-тўрт шиша олиб келадиганлар бор... Бир грузин Туркманистон орқали ўтказиб бераман, деяпти... Олиб ўта олсак, ярмини Хоразм билан Қорақалпоғистонда, ярмини Тошкент билан водийда тарқатиб борардик...

— «Боржоми» билан шуғулланишмаяптими, ҳозир?

— Жуда кам. Сабаби, ўзимизда турли шунақа ичимликлар кўпайиб кетди-ю... Ҳозирги ёшлар эса фарқи бормайди. Лекин «Боржоми»ни эсдан чиқармаганлар ҳам кўп... Агар сизнинг маблағингизни ишлатсак... — Ҳисоб-китобингни чиқарган бўлсанг, шуғулланавер!

Ославий муносабатлар тикланди, аммо кўнғил барибир илимади. Шунча йиллик хотини Моҳигулга Бекмирза аллақандай олисдаги, баайни гирт бегона аёлга қарагандек қарарди. Кўнғил Солиҳа томон талпинарди, уни кўмсарди, унга зор эди, холос...


Тонг саҳарда ёмон туш кўрибди... Ариқдаги бўтана тўлқинларда қуйи эниб, юқори кўтарилиб сузиб келаётган қоғоз қайиқча бирдан лойқа сувга кўмилди... Чўка бошлади... Шу аснода қайиқ ичида Солиҳа кўринди... У чўкаётган қайиқни тарк этишга шошилмас, бўлаётган хавфли воқеага эса парво ҳам қилмасди... Юзлари тош қотган... Кўзлари тубида маънос ва... мудҳиш, кўкиш рангли аланга... Бу кўзлар худди узлуксиз майда пуфаклар чиқараётган шампан виноси тўла қадаҳга ўхшайди...

— Солиҳа! — дея бор кучи билан бақирди Бекмирза ва ўзини ариққа олди... Шу лаҳзада у пастга кулаб тушди. Ва уйғониб кетди.

Ҳа, кеча эрталаб кўчадаги ариқда оқаётган қоғоз қайиқчани кўрган ва кўнғили аллақандай, болаларча, гўборсиз шодликка тўлган эди. Тушида эса... Бу энди тақдирнинг қайси зарбасидан даракчи экан?... Кейинги уч-тўрт йил ичида Бекмирза турмушдан рўшнолик кўрмади, ҳисоб. Ҳаёт гиди-биди, уруш-жанжал, турфа тўполонлар ичида ўтятипти. Тўғри, кейинги чамаси ўн-ўн беш кун оралиғида оиладаги вазият бироз юмшайди. Моҳигул ортиқча хараша қилмай қўйди. Севара ҳам дийдиёларни бас қилди. Тоҳир эса аввалгидай ўзи билан ўзи овра... Лекин Бекмирзанинг кўнғилига чироқ ёқса ёришмайди. Сабаби — Солиҳа! Унинг белпарволиги, ўзини тинимсиз Бекмирзадан четга тортиши, хилма-хил баҳоналар билан учрашувларга келмаслиги — хуллас бегонасирашнинг кучайиши Бекмирзанинг юрагини ўртар-

Қадри, муштарийлар!

Севимли газетангизда янгилик. Энди Сиз ўз минбарингиздан бемалол фойдаланиш имкониятига эгасиз. У орқали Сиз хоҳлаган мавзуда (шеър, мақола, туғилган кун муносабати билан табрик, фикр, ҳатто яқин дўстингиз, сеvimли ёрингизга салом йўллашингиз, дардларингиз, сизни қийнаётган муаммолар билан ўртоқлашингиз) чиқиш қилишингиз мумкин. Бунинг учун кўп нарса талаб қилинмайди. Фақатгина саҳифада бериб бориладиган махсус купонни тўлдириб, уни ўз дил изҳорингиз билан бирга қўшиб жўнатсангиз, бас. Бугўни бизга қўйиб беринг. Ахир, бу Сизнинг минбарингиз!



Муштарий минбари

Кўнгил чигили

У маҳаллага йиғлаб келди. «Ёрдам беринг, амакижон», — дея раисга ёлборди. «Ёрдам беринг, опажон», — дея маслаҳатчига ялинди. «Оиламни асраб қолай. Ўғлим бор — ҳаётдан умидим бор. Эримнинг оила аъзолари қабул қилишмаяпти. Тўғри, ёшлик қилгандирман, хатолик ўтгандир мендан. Лекин тавба қилдим, десам ҳам қўлоқ солишмаяпти. Боламни тирик етим қилманг, десам ҳам унашмаяпти. Аллақачон бошқа келин топишибди. Аллақачон тўйга хозирлик қўришяпти. Мен нима қиламан? Болам нима қилади?..»

Туноҳи азим

Яна нималар демади шўрлик. Тошлар бўлса эрирди. Музлар бўлса эрирди. Бироқ қайнона эримади. Қайнота эримади. Эр эримади. Юраклари тош экан. Вужудлари муз экан. Маҳалла аралашиб қанчалар савоб ишлар қилинганди. Жар ёқасидаги рўзгорлар тинчиганди. Лекин шу ёлбориб-ёлбориб йиғлаётган жувонга қолганда ожиз қолишди.
— Мен улар билан аллақачон қудачиликни узганман, — деди беш вақт номозини қанда қилмайдиган қайнота.
— Ўғлимга ундан яхши қизни олиб берман, — деди ўзининг келинлигини унутиб юборган қайнона.

— Касал, ранги заъфарон, — деди ҳар нарсага тумшугини тикиб турувчи қайсингил.
— Ойда, йилда бир келсам, саломини зўрга беради, — деди иззатталаб қайнопа.
Хуллас, бирови у деди, биров бу деди. Хўш, куёв нима деди?
Куёв:
— Сизлар нима десаларинг, шу! — деди.
Бир оила чилпарчин бўлди. Бир оила барбод бўлди. Аммо... Айтишларича, қўшнинг уясини бузиш ҳам туноҳи азим экан. Улар эса... Билмадим, бу оиланинг кўргилиги қандай бўлса?..

Лола ҲУРОҚОВА

Мушоҳада

Инсон умри — бебаҳо. Ҳар биримиз уни яхши, мазмунли ва бахтиёр кечиршни хоҳлаймиз. Албатта, бунинг учун «бахт» ҳамроҳимиз бўлиши керак. Баъзан ўйга толасан «Бахт» ўзи нима, унинг қиймати, ўлчови, баҳоси борми? Нахотки, инсонларга у шунчалик зарур? Аслида бахт — азалий мавзу: бахтли бўлишни истамайдиган кишининг ўзи йўқ. Энг қизиғи, «ҳеч ким бахтнинг нималигини аниқ билмайди».

Бахт нима ўзи?

Ошиқлар бир-бирининг висолига етишса, кимдир учун чўнтаги пулга тўлса, 2-3 қаватли қасри, хусусий идораси, хизматкорлари бўлса, ўша — бахтиёр. Кимгадир йиққани бахт, кимгадир сочгани, кимгадир суйдиргани бахт, кимгадир куйдиргани. Ҳамма бахтли бўлишни истади, аммо ҳар ким ўзича бахтли.

Фақат одам бахтли бўлишга интилиши зарур. Шунинг учун ҳам айтишадик: «Интилганга толе ёр». Ахир бахт ўзини бахтли деб ишонтирган одамни топади, бебахтлик эса аксинча. Киши бахтли яшаш имконига доимо эга, бироқ ҳамма гап унинг ўзида — руҳиятидадир.

Лекин етишган бахтимиз абадийми, бизни ҳеч қачон тарк этмайдими? Доимо биз билан биргами? Йўқ, барча истаклари рўёбга чиқса, одам ўзининг нокомиллиги ҳақида ўйламай қўяди ва охир-оқибатда бадбахтликка дучор бўлади.

Манбаларда ёзилишича, қадимда юнонларда бир удумга кўра, то киши тирик экан, уни бахтли деб атамас эканлар. Демак, киши бахтдан ҳаддан ташқари масрур бўлса манманликка, такаббурликка берилишини юнонлар яхши билганлар.

Дунёда бахтга даъвогарлар кўп, бироқ сазоворлар кам. Аслида кимлар бахтга кўпроқ муносиб? Умрини ишга бағишлаганларми, ҳаётини мол-дунё йиғиш билан ўтказганларми ёки уйда

болам деб, рўзгорим деб ҳамма қийинчиликка чидаб яшаётган аёлларми саодатлироқ? Лекин шуниси ҳам борки, инсонлар бахт кўмағида туғилмайдилар, балки бахтли яшаш имкони билан дунёга келишади. Шу сабабли киши ўзига берилган барча имкониятлардан фойдаланиши лозим. Мен бахтсизман, толесизман, деб тушкунликка тушмаслик керак. Ўзингизни ҳамма жойда, ҳамма нарсада бахт борлигига ишонтиринг. Агар дунёда бахт йўқ, деб ўйласангиз, уни излаб нима қиласиз? Нима бўлганда ҳам умид қилишдан тўхтамаслик керак. Бир имконият эшиги ёпилса, бошқа мингтаси очилади.

Буни қарангки, инсон йўқотганида бахтнинг нелигини тушунади, қийматини, қадрини, ўлчовини билади. Лекин афсуски, доимо биз билан бирга бўладиган бахтни сезмаймиз. Ахир тирикликнинг ўзи тенгсиз бахт. Эрталаб уйғонишимиз, дунёни яна такрор кўра олишимиз, хонадонимизнинг тинчлиги энг катта бахт-ку! Яшайсиз, соғ-саломатсиз, яқинларингиз ёнингизда. Сиз учун шуниси муҳим эмасми? Нега биз шуқр қилмаймиз, унинг борлигини унутиб, бошқа ўткинчи бахт учун оҳ-воҳ чекамиз, гашланамиз. Ёки бахтимизни йўқотганимизда қадрига етамиз... Аммо ўшанда кеч бўлмасмикан?

Зарифа ШЕРБЕКОВА,
Сардоба тумани
15-мактаб ўқитувчиси

ҚАТРАЛАР

Кичик бир ваъдани ўрнига қўйиб бажариш ҳам улуғ бир мукофотга тенглигини биласизми?!

Болалиқдан, соддалик, бегуборлик, сени соғинаман, сенга сизинаман. Кошқийди, бу фазилат одамда бир умр сақланиб қолса. У ҳолда сохталик, ёлғон туғилмаган бўлар эдимми?

Аксарият рўзгор ташвиши, юки аёлларга ўтиб бораётганлигидан (ўтиб ҳам бўлди) эркакларга раҳмим келади. Ўғил фарзандларимиз кимдан ибрат олишади? Уларни кимга ўхшагин, деймиз!

Фақатгина рўзгор ташвиши билан яшашга ҳаққимиз йўқ. Ахир осмоннинг мусаффолиги, сувнинг покизалиги, инсон тақдири деган ташвишлар ҳам бор...

Ханифа РЎЗИМАТОВА

Қаердасиз, қуролдош дўстлар?!



Архив

Мен Садин Жўраев, 1970-1972 йилларда кузги чақирув бўйича Белоруссия республикасининг Молодечный туманидаги «Красный» посёлкасида №63102 ҳарбий қисмининг батальонида хизмат қилиб, дўстлар орттирган эдим. Улар Назарматов (Ангрендан), Очилов ва Фулом (Фарғона вилоятидан), Ибодов (Дехқонободдан) эдилар. Мен юбораётган куйидаги суратни ангреник қуролдош дўстим Назарматов ишлаган. Дўстларим! Умид қиламанки, барчангиз соғ-саломатдирсиз. Сизларнинг мактубларингизни интизорлик билан кутиб қоламан.

Манзилим:
181213

Қашқадарё вилояти, Чирокчи тумани,
С.Жўраев ф/х. Корателпак а/б.
Жўраев Садин Тилавович.

Ҳазил шеър

- Аввал тортмас эди ҳеч нарсадан тап,
- Ҳатто шўх болалар ҳам бугун камгап.
- Ҳамманинг оғзида фақат битта гап:
- «Синов яқин қолди, имтиҳон яқин».
- Талабалар бугун ҳар ерда гавжум,
- Домларлар келади юзда табассум.
- Аввал содда эди, мана бугун шум —
- Синов яқин қолди, имтиҳон яқин.
- Аввал «домла» эди, бугун «домлажон»,
- У сенга дўст бўлса, бу — шараф, бу — шон.
- Ҳамманинг таоми хавотир, имкон,
- Синов яқин қолди, имтиҳон яқин.
- Нега баҳо олдинг? Бери кел, кўрсат,
- Ҳар домла эшинг бамисли бекат.
- Жиддий шугулланар энди деканат...
- Синов яқин қолди, имтиҳон яқин.
- Севга, бугунча сен бўлиб тур ҳавас,
- Кимдир аламдан ичиб олган маст.
- Келатган дарддан қутулса шу бас,
- Синов яқин қолди, имтиҳон яқин.

Шерзод АБДУСАМАДОВ

«МУШТАРИЙ МИНБАРИ» КУПОНИ №

Фамилиянгиз _____
 Исмнингиз _____
 Отангизнинг исми _____
 Туғилган йилингиз _____
 Манзилингиз _____
 Иш(ўқиш) жойингиз _____
 Қайси мавзуда чиқиш қилмоқчисиз? _____



Одам

Воқеалар
Тафсилотлар
Шарҳлар

ва

Одам



Милан прокуратураси Италиянинг йирик "ENI" нефт-газ компанияси маъмуриятини соликларни кам тўлаш мақсадида газ билан таъминлаш ҳақидаги маълумотларни нотўғри кўрсатганликда айбламоқда. 28 май куни Италия молия полицияси томонидан компаниянинг бир қатор бўлимларида ўтказилган текширувлардан кейин шундай қарорга келинган.

Қинғир ишнинг қийиғи...

Текширувчиларнинг фикрига кўра, компания томонидан аҳолига етказиб берилган газ миқдори текширув органлари тақдим қилинган ҳужжатлардаги маълумотлар билан бир хил эмас.

"Federconsumatori" харидорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотнинг баҳолашича, Италиядаги ҳар бир оила газ тўловлари учун йилига 100 евродан ортиқча пул тўлаган. Ташкилот ҳисоб-китобларига қараганда, "ENI" ва компаниянинг бошқа бир қатор бўлимлари

аҳолига умумий ҳисобда йилига 2 миллиард евро миқдоридан томон тўлашга мажбур бўлади.

Текшириш 2003 йилда бошланган эди ва бундай текширувлар «ENI»дан ташқари яна «EdisonSpA» энергетика компаниясида ҳам ўтказилган эди. Ишга "ENI" ўтқарувчиси Паоло Скаронидан ташқари компаниянинг бошқа менежерлари ва компаниянинг Милан бўлими "АемSpA"нинг ижрочи директори Жулиано Дзукколи ҳам алоқадор деб топилган.

Гаровдагиларни кутқариш учун

Бағдодда доимий жойлаштирилган Британия махсус хизматининг тезкор ҳаракатлар учун мўлжалланган SAS махсус гуруҳи тўлиқ жанговар ҳолатга келтирилган.



Маълумотларга кўра, улар Ироқ шиалари экстремистик гуруҳига тегишли «Махдий армияси» томонидан гаровга олинган беш нафар Британия фуқароларини кутқаришга тайёрланмоқда.

Шу билан бир вақтда Ироқ ҳукуматидаги Британия вакиллари масалани тинч йўл билан ҳал қилиш мақсадида экстремистлар билан музокаралар олиб боришмоқда.

Эслатиб ўтамиз: 29 май куни бир компьютер мутахассисини кўриқлаб борган тўрт нафар «GardaWorld» кўриқлаш хизмати ходимлари жангарилар томонидан гаровга олинган эди.

Жангарилардан бири, 25 май куни Ироқ жануби Басрада Британия ва Ироқ ҳарбийларининг биргаликда ўтказган операциялари вақтида ўлдирилган «Махдий армияси» етакчиси Абу Қодир учун олинган ўч эканлигини маълум қилган.



Травматолог — президент

овоз тўплаган.

Латвия аввалги президентининг хизмат муддати шу йилнинг 7 июн куни ниҳоясига етди ва у қайта сайланиш

ҳуқуқига эга эмас.


Эслатиб ўтамиз: Латвия қонунларига кўра, мамлакат президенти парламент томонидан 4 йил муддатга сайланади.

Генерал қамоққа олинди

Пайшанба куни ҳарбий жиноятларга алоқадорликда айбланаётган Босния серблари армияси кўмондони Ратко Младичнинг ёрдамчиси Здравко Толимир қамоққа олинди.

Толимир ўзининг аввалги бошлиғи Младич каби, Босниянинг мусулмон аҳолисига нисбатан геноцид сиёсатини ўтказганликда айбланмоқда. Югославия бўйича Гаага трибунали терговчиларининг фикрича, Серб Республикаси армиясининг собиқ амалдорлари 1995 йилда Сербия аҳолисининг мусулмон қисмидан бир неча минг кишини йўқ қилиб юборган.

Ратко Младичнинг ўзига эса 1995 йилдан буён халқаро қидирув эълон қилинган. Лекин унинг қаердалиги ҳозирга қадар маълум эмас.

Мактаб қоровули
робот

Жанубий Корея мактаб ўқувчиларини эндиликда робот кўриқлайди, деб хабар беради France Presse. Бу тажрибани робот ихтирочилари уни ялпи ишлаб чиқаришга қўйишдан аввал ўтказишга қарор қилишган.

OFRO деб номланган бу роботнинг асосий вазифаси мактаб хизматчисини ўқувчиларга яқинлашадиган бегона шахс ҳақида хабардор қилишдир. Ихтирочиларнинг таъкидлашича, OFRO ўқув юртларини кўриқлайдиган биринчи робот бўлади.

Агар тажриба муваффақиятли ўтса, робот 100 доллар атрафидаги нархда бозорга чиқарилади. Кўриқчи камера ва микрофон билан жиҳозланган. У соатига 5 километр тезликда ҳаракатлана олади ёки белгиланган маршрут бўйича кўриқчилик қилиши мумкин.

Россиянинг "Лукойл" компанияси бошқарувчиси Вагит Алекперовнинг "Интерфакс" ахборот агентлигига берган маълумотига кўра, кутилмаганда кишининг илиқ ва ёзнинг иссиқ келиши сабабли Россия газ таъминотчилари газ етказиб беришни қисқартиришга қарор қилишган.



Газ тежалади

Алекперовнинг маълум қилишича, мустақил ишлаб чиқарувчилар газ таъминоти миқдорини 8 фоизга камайтиради. "Газпром" компанияси эса таъминотни 560 дан 557 кубометргача қисқартиради. Аслида, 2006 йилнинг октябрида 2007 йилдан аста-секин ёқилги таъми-

нотини камайтириш режалаштирилган эди.

Аввалроқ "Газпром"нинг Ғарбий Европага газ экспорт қилиш режалари 6,8 фоизга қисқартирилган эди. Шундан келиб чиқиб, компаниянинг экс-

портдан тушадиган даромади ҳам қисқаради.

Майнинг охиригича кунларида Россия худудида ҳавонинг ўта иссиқ кузатишга эди. 29 май куни Москва шаҳрида 1891 йилда, Санкт-Петербургда эса 1889 йилда қайд қилинган рекорд янгиланди.



31 май куни Ироқнинг Фаллужа (Fallujah) шаҳрида террорист-камикадзе томонидан амалга оширилган портлаш оқибатида 25 киши ҳалок бўлган ва 50 киши яраланган, деб хабар бера-

Ироқда портлаш

ди Associated Press.

Агентлик тарқатган маълумотларга кўра, ҳалок бўлганлардан 10 киши полиция ходимларидир. Портлаш кўнгиллиларни полицияга ишга қабул қилиш пункти жойлашган ерда содир этилган.

Портловчи моддалар ўрнатилган камзул кийиб олган террорчи кўнгилли киёфасида рўйхатга олиш пунктига яқин келган ва

машъум ниятини амалга оширган.


Эслатиб ўтамиз: ўрта мактаб биносида жойлашган полицияга қабул қилиш маркази 2007 йилнинг 26 майида иш бошлаган эди. Бу марказ Ироқ ҳарбийлари ва америкаликлар томонидан «Ал-Қоида» жангариларига қарши курашда армияга ёрдамчи куч тўплаш мақсадида ташкил қилинган эди.

«Motorola» ва ишсиз
ходимлар

Уяли телефонлар ишлаб чиқариш ҳажми бўйича дунёда иккинчи ўринда турадиган Motorola фирмаси маъмурияти 2007 йил давомида яна 4 минг ходимни ишдан бўшатиш ниятида эканлигини маълум қилди. Шунингдек, ишлаб чиқаришни қайта ташкил қилиш режасига кўра, 2007 йил июнигача 3,5 минг нафар ходим иш жойидан айрилиши кутилади.

Бу чора компанияга чиқимларни камайтириш учун зарур бўлган. Motorola фирмаси берган маълумотларга қараганда, 4 минг ходимни ишдан бўшатиш билан компания йилига 600 миллион доллар маблағни тежайди.

2006 йил тўртинчи чораги натижаларига кўра, фойда 48 фоиз (624 миллион доллар) га тушиб кетган. 2006 йил охири-



гача компания бутун дунё бўйлаб 66 минг нафар ходимни ишга олган.

Дунё бўйлаб Motorola телефонларининг сотув миқдори ошаётганига қарамастан, компания фойдаси камайиб кетмоқда. 2007 йилнинг биринчи чорагида 253 миллион дона маҳсулот сотилган. Бу ўтган йилнинг шу чорагидаги кўрсаткичдан 13,5 фоизга кўп.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши Гулистон Давлат университети қошидаги академик лицей директори, Ўзбекистон Қаҳрамони

Саме САМАТОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Жумбоқ

САВОЛ:
Гўзал маликага ошиқ бўлган савдогар унга совчи жўнатади. Малика бир шарт билан унга тегишга рози бўлиб: «Қалин сифатида бир фил оғирлигича тилла бера олса ва бу миқдорни ҳеч қандай тарозисиз ўлчаса, розиман», дейди. Савдогар қандай йўл тутган?

Ўйинча билми
ёнлига ёлишар ким ниёҳ
Ўйинча ёлишар ининиоҳ нал
-лог ёлво ининиоҳ 'сидежин'
инлиф сиб ёлишар гавву
:ЗОВАЖ



Микром ХАСАНОВ фотолавҳаси

Шанба ҳикмати

Шундай яшаш керакки, худди ҳозир ҳаёт билан видолашадигандек. Шундай яшаш керакки, сенга берилган вақт кутилмаган совгадек.

Марк АВРЕЛИЙ

Ўқ-э!


Мия нейронлари тармоғида биосигналлар секундида 7 км тезликда ҳаракатланади ва бу тармоқ Ер шаридаги бутун телефон тармоқларидан 1400 марта мураккаброқдир.

Бир кунни Афанди...



Пулга ўчлиги билан танилган врачни учратиб қолиб, Афанди сўрабди:
— Дўхтир, дейлик, масалан, сизнинг ўзингиз шамоллаб қолдингиз. Хўш, унда қандай даволанасиз?
Врач қандай даволанишини ипидан-игнасиғача айтиб бергандан кейин:
— Яхши маслаҳатингиз учун катта раҳмат, — миннатдорчилик билдирди Насриддин Афанди. — Энг муҳими — текинга!!!

Изоҳи сиздан...



Оғзингдаги ошингни Олдирибсан-да дарров. Дўстимни кўриб қолиб Ушланиб қолдим бирров.

Нон-тузингга розиман, Асло миннат қилмасман. Таниб ол мени, зора Катта бўлсанг емассан.

— Дўст бўлайлик иккимиз, Қандай чикдинг бу кирга?
— Майли, қўл ташлашмайлик, Тушиб кетаман ерга.

Фарҳод ПИРМАНОВ, Булунгур тумани


Қани «а» денг, онахон, «Ангинангиз» кўрамыз. Томоқда бироз шиш бор, «Скалпел»да ёрамыз. Муздек сув симирибсиз, Ё чўқибсиз музқаймоқ. Буни дерлар шу ёшда, «Қош ўрнига — кўз қўймоқ».

Сизни даво этувчи, «Лор»шунос «ҳаким читтак». Ички-ташқи томондан, «Компресс» қилинг қиттак. Яқин кунлар ичида, Топарсиз шифо албат, Унгача шошиб яна, Йиқилиб тушманг фақат.

Рустам САТТОРОВ, Наманган шаҳридан

Эй, читтаквой, кел, дўстим, Ҳолим хароб, хастаман. Осмонларда учар эдим, Энди эса пастдаман. Кўзларимга дунё тор, Бир табибга бўлдим зор. Оғзимга бир қараб қўй-чи, Томоғимда недир бор.

Содиқ ИСАЕВ, «Самарқанд шахри



Энг яхши, энг қувноқ изоҳ эгасига махсус совғамиз бор. Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?

Май ойида газетамизнинг «Изоҳи сиздан» руқни голиби наманганлик муҳлисамиз Ханифа Рўзиматова деб топилди. Ҳурматли муҳлисамиздан тахририятга келиб, белгиланган совгани қабул қилишини сўраймиз.

Мунажжим башорати

(4 июндан - 10 июнгача)

КҮЙ. Ортиқча кўнгилсизликлардан йироқ бўлишни истасангиз худбинлик қилманг. Беҳуда тортишверманг. Ҳамкорлар билан режалаштирган ишлар изига тушади. Лекин оилавий аҳвол унча яхши эмас. Бироз дилхираликлар содир бўлиши мумкин. Шунинг учун кўпроқ вақтни уйда ўтказишга ҳаракат қилинг. Ҳафта якунида сирдош ёки ҳамкасб дўстингизнинг маслаҳатига амал қилсангиз, фойдадан холи бўлмайди.

БУЗОҚ. Ички оламнингизга қулоқ тuting. Ҳеч бир янгиликка бефарқ бўлманг. Акс ҳолда муҳим воқеадан беҳабар қолишингиз мумкин. Агар эриниқ бўлсангиз, энг яхши имкониятни ҳам қўлдан бой берасиз. Ишхонада раҳбарият сизнинг ишингиздан қониқмаётганини айтади. Ўзингизга нисбатан талабчан ва танқидий фикрда бўлинг. Бу ишда ҳам ижобий натижа беради. Ота-онангиз кўмагини мамнуният билан қабул қилинг. Дам олиш кунни эски дўстингиз базмига таклиф қилади.

ЭҒИЗАҚЛАР. Ҳафта сизга ажойиб воқеликларни ҳада қилади. Қимматли вақтни бекор ўтказманг. Агар хотиржам ва аниқ иш юритсангиз, режалаштирилган барча ишлар амалга ошади. Ҳафта бошланишида янги ишга қўл урмаган маъқул. Ҳамкорларнинг муносабатини яна бир қарра текширинг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ишга жуда кўмилиб кетасиз. Лекин ортиқча куч сарфлашга шошилманг.

ҚИСКИЧБАҚА. Иқтисодни намоён қилиш учун қулай имконият тугилади. Тартиб билан ишласангиз ўзингизга фойда. Ҳамма ишга вақт топасиз. Чоршанба омадли кун. Ҳар бир хатти-ҳаракат ва гап-сўзларингизни назорат қилинг. Сал эҳтиётсизлик туфайли атрофдагиларнинг дилини оғритиб қўйишингиз мумкин. Ўзингизга ва бошқаларга нисбатан виждонли бўлинг. Яқшанба — мириқиб дам оладиган кун.

АРСЛОН. Ҳаёлан юксак орзуларга берилаясизми? Орзуга айб йўқ, лекин қобилиятини чамалаб кўрган маъқул. Душанба ёки шанба кунни бўладиган хизмат сафарига муаммолар ҳал бўлиши кутилмоқда. Зиддиятли вазиятлардан узоқда бўлинг. Хушмуомалалик, самимийлик кўп ишда ёрдам беради. Яқшанбада муҳим масала ечим топади. Дўстларнинг маслаҳати ва ёрдамини рад қилманг.

ПАРИЗОД. Ҳафта деярли сокин кечади. Арзимас ўй-хаёллардан ўзингизни йироқ тuting. Ҳаётнинг барча йўналишида ҳуқуқин билиш катта аҳамиятга эгаллигини яна бир бор ҳис этасиз. Сирли, ечими кўринмаётган муаммолар барҳам топади. Утмишда йўл қўйган хатолардан тўғри хулоса чиқарасиз. Дам олиш кунни дўстингиз ёки ота-онангиз бирор қийин вазиятдан чиқиш учун ёрдам сўрайдилар.

ТАРОЗИ. Ҳафтанинг бошланиши осойишта ўтади. Чоршанбадан эса муҳим ишлар бошланади. Вақт тизгиз бўлса-да, шахсий ҳаёт масаласига ҳам бироз эътибор беринг. Шунда ҳеч қандай муаммога ўрин қолмайди. Шиддат билан ишлашга қарамасдан, натижа сиз кутгандек бўлмаслиги мумкин. Лекин ҳафа бўлманг. Муҳими, инсонийлик вазифасини адо этаясиз. Шанба кунни ҳаётингизда янги саҳифа очиши мумкин бўлган танишлар орттирасиз.

ЧАЕН. Исталган соҳада муваффақият қозониш учун билим зарурлигини унутманг. Қолаверса, ўн марта эшитгандан бир марта кўрган маъқул. Ўзингиз билмаган ёки тушунмаган ишга бош қўшманг. Ҳафта деярли амалиётда билмаганларни ўрганиш билан ўтади. Дам олиш кунларини оилангиз даврасида ўтказинг. Шунда уларнинг ҳам кайфияти чоғ бўлади, сизнинг ҳам. Бу кўп жиҳатдан сизга боғлиқ.

ЎҚОТАР. Касб юзасидан малака ошириш вақти келди. Ҳар бир янгиликни илғаб олишга ҳаракат қилинг. Хизмат сафари, саёҳат ва иш юзасидан учрашувлар учун ҳафта жуда қулай. Асосийси, раҳбарият билан келишмовчиликлардан сақланг. Сизни чалғитишлари мумкин. Кўп қўйинманг. Атрофда сеvimли инсонлар борлигини унутманг. Улар сиз учун ҳамма нарсага тайёрлигини ҳис этиш ҳам бахт.

ТОҒ ЭЧҚИСИ. Ижод соҳиблари учун унумли ҳафта. Мабодо бошқа ишга ўтмоқчи бўлсангиз, бироз кечиктиринг. Сабаби уринишдан ҳеч қандай натижа чиқмайди. Ҳафта ўртасида раҳбарият ва ҳамкасблар билан муносабатлар яхшиланади. Ҳафта якунида маъқулланади. Чоршанба кунни муҳим янгиликдан воқиф бўласиз. Ижодий сафарни жума кунни режалаштиринг. Дам олиш кунни норасмий учрашув қутилмоқда.

КОВГА. Баҳарайтган ишингиздан қониқмайсиз. Раҳбарият томонидан танқидга учрашингиз мумкин. Ҳар қандай вазиятда бирдан хулоса чиқарманг. Босиқлик билан мулоҳаза юритсангиз, эътирозлар тўғри эканлигини тушунасиз. Шунинг учун шошилмай ва диққат билан хатоларни тузатинг. Ҳафта ўртасида ишингиз яхшиланганига ёрдам берадиган янгилик содир бўлади. Дам олиш кунни барча тавашилларни унутиб, тоғ бағрига ёки шаҳар ташқарисига чиқиб дам олинг.

БАЛИҚ. Агар ўз ишингизга масъулиятни кўпроқ ҳис этсангиз, барчаси маромида бўлади. Қизиқарли гоьлар тугилади. Ички туйғуларга кўпроқ эътибор беринг. Қатъий қарор ва шижоат билан ишланг. Чоршанба кунни хушхабар эшитасиз. Хизмат лавозимида кўтарилишингиз, муҳофот олишингиз мумкин. Яқин инсонларингиз сизга қутилмаган совга ҳозирлашяпти.

Ishonch	Бош муҳаррир Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ	Бизга кўнғироқ қилинг: Котибият: 153-52-78 Хатлар бўлими: 153-85-43	Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134	Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.	Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев Навбатчи муҳаррир - Ш.Норқулова Навбатчи - Т.Шернаев Мусаҳҳих - Д.Раҳмонова
	Тахрир хайъати: Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиқов, Носирхон Ақбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Кодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Фуломзокир Юсупов	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табақ.	«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Тахририятга келган кўл ёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»-дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар ① белгиси остида чоп этилади.	Саҳифаловчи-дизайнер: Ж.Юнусов, Ю.Михайловский
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси		E-mail: ishonch-doverie@mail.ru		Буюртма Г— 514 Тиражи: 16821	
				Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 21.00	
				Сотувда эркин нархда	
				2 3 4 5 6 7 8	